

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ШОСШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 33—34 (2674—2675)
1994 йил, 6 МАЙ.

СОТУВДА
ЭРКИН
НАРХДА.

9 май — Ғалаба куни

БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ, РАҲБАРИАТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ
НОМИДАН ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ БАРЧА
ХОДИМЛАРИНИ, УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАҲРИЙЛАРИНИ,
ЖАМИКИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ҒАЛАБА КУНИ — 9 МАЙ
БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМАН.

УШБУ УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА СИЗ АЗИЗЛАРГА УЗОҚ
УМР, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ОИЛАВИЙ ФАРОВОНЛИК, БАХТ-
САОДАТ, ҲУР ВАТАНИМИЗ ИСТИҚБОЛИ, ЁРКИН КЕЛАЖАГИ
ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК ИШЛАРИНГИЗДА ОМАДЛАР
ТИЛАЙМАН.

З. А. АЛМАТОВ
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар Вазирлиги,
ички хизмат генерал-лейтенанти.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Самарқанд вилояти, ички ишлар
бошқармасида семинар-кенгаш
бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон
Республикаси ИИВ шахсий таркиб
билан ишлаш хизмати бошлиғининг
ўринбосари, милиция майори У.
Жўраев, Ўзбекистон Республикаси
ИИВ бўлим бошлиғи, ички хизмат
полковниги Я. Тимошенко,
Самарқанд вилояти ИИВ бошлиғи,
милиция генерал-майори Т. Тохтаев,
вилоят, шаҳар, туман ИИБларининг
бошлиқлари ва ўринбосарлари иш-
тирок эдилар.

Унда жиноятчиликка қарши
курашни кучайтириш ва шахсий
таркиб ўртасида интизомни
мустақамлаш масалалари муҳокама
қилинди.

Семинар-кенгаш амалий,
манфаатдорлик назоратида ўтди, унда
ҳуқуқ бузишларга қарши кураш
ҳолатига, милиция ходимлари
фаолиятининг самарадорлигини
оширишга ижобий таъсир кўрсатишга
имкон яратувчи бир қатор таклифлар
айтилды.

Ўз мухбиримиз.

БУГУНГИ СОНДА:

2-3-БЕТЛАР
БУХОРО ВИЛОЯТИ

5-БЕТ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

4-БЕТ
АЗАГА АЙЛАНГАН ТҮЙ

7-БЕТ
ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

«02» хабарлари

БЕЗОРИНИНГ МУШТИ

• «НАВО» универсал дўконига кундуз куни маст безори кириб, тўполон қилиб дўкон сотувчисининг бошига уради. Сотувчи мия қўзғалиши натижасида касалхонага ётқизилди. Безорининг мушти қаттиқ эканда, деган хаёлга борманг, йўқ. У қўлидаги Италияда ишлаб чиқарилган газ тўппончаси билан сотувчининг бошига урган экан.

ТЕМИРЧИНИНГ ДАРДИ

• ҚАССОБГА ер қайғуси, деганларидек, темирчининг дарди ҳам темирда бўларкан. Ярим туғда Тошкент шаҳар Маданият олийгоҳи ҳовлисидаги темир панжарани ҳам новвой ёки қассоб эмас, балки «Эдем» ширкати чилангари ва яна шаҳар ўрта махсус техника билим юрти талабаси ўғирлаб кетаётганларида бедор милиция ходимлари томонидан ушландилар. Эртаси кунлик темир панжара ўз жойига ўрнатиб қўйилди.

ЎҒРИ ҚОРОВУЛ (МИ?)

• ЧИЛОНЗОР тумани ИИБ ходимлари 184-мактаб тамаддихонасидан беци кило гўшт ва тўққиз кило қандни олиб кетаётган ўғрини ушлаб олдилар. Махсулот тамаддихонага қайтарилди. Ўғри эса... шу мактабнинг қоровули экан.

Ўқувчилар эрталабки нонуштани емаган бўлсаларда, аммо тушлик ўз вақтида тайёр бўлди.

ҚОРОВУЛ ЎҒРИ (МИ?)

• ШУ ТУМАН ИИБ ходимлари юқоридаги воқеадан уч кун олдин ҳам шунга ўхшаш воқеанинг устидан чиққандилар. «Алгоритм» заводи цехининг омборхонасидан учта видеомагнитофон, гўрт донна кассета, иккита рангли телевизорни ҳам шу заводнинг қоровули «шимо» қилган экан.

ФИРИБГАР АЁЛ

• КЕКСА кишини алдаш инсофдан эмас. Айниқса, у ногирон бўлса. Лекин фибрибгарда инсоф не қилсин. «Олой» бозорига тирикчилик важида юрган, III-гурух ногирони бўлган бир кампир ҳам фибрибга учди. II гурух ногиронлик хужжати олиб берман, дея кампирнинг бир миллион 400 минг сўм пулини олиб, қўздан йўқолган «устаси фаранг» Юнусобод тумани ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Фибрибгар аёл киши экан. Жабранувчига пуллари қайтарилди.

БОҒЧА ОПА ЭЪТИБОРСИЗЛИГИ

• ФАЛОКАТ оёқ остида, деганлари шу бўлса керак-да. Бўлмаса, йигирма йиллик «боғча опа»лик тажрибасига эга бўлган аёл билан бундай ходиса рўй бермасди. Навбатдаги сайрга чиққан 530-болалар боғчасининг бир гуруҳ болалари боғча опаларининг эътиборсизлиги туфайли ахлат қутисидан дорилардан «татиб» ҳўришди-ю, мазалари қочди. Дўхтирларнинг шошилини ҳаракатлари сабаблигина болалар жони омон қолди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи ходими.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ЧАККИ ЭМАС

— дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги
Аҳмаджон Неъматович КАЗИЕВ

ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармаси раҳбарияти 1994 йилни Андижон милицияси учун Сифат йили деб эълон қилди. Бу бекиз эмас албатта. Чунки, соғлом, баркамол ва етук кадрларсиз жиноятчиликка зарба беришда кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ички ишлар тизимларида сафларни тозалаш, уни билмидон ва мард йигитлар ҳисобига тўлдириш каби муҳим ишлар амалга ошириляпти.

Биз кадрлар масаласида амалга ошириляётган тадбирлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасида рўёбга чиқариляётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни бошқарма бошлиғининг муовини, милиция подполковниги Аҳмаджон Неъматович Казиевдан илтимос қилдик.

— Вилоят оммавий ахборот воситаларига фуқаролардан кўп рақамда мактублар келиб туради. Хатлар орасида милицияга қандай кишилар ишта олиншини билишни истаб ёзилган сўровномалар ҳам бор. Агар малол келмаса суҳбатимизни мана шу мавзудан бошласак.

— Бажонидил. Аввало шунинг айтимоқчиманки, милицияда ишлаш осон эмас. Баъзида йигирма тўрт соатлик вақт ишлаш учун камлик қилиб қолади. Энди бу ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг. Мана шундай оғир соҳада ишлаш учун киши сабр-тоқатли, билмидон, ақлан етук, жисмонан бақувват

бўлиши лозим. Яқин вақтларгача сафимизни ўқимишли йигит-қизлар билан тўлдиришда анча қийналардик. Олий ўқув юртлари, меҳнат жамоаларига ёрдам сўраб борардик.

Минг бор шукрлар бўлсинки, жумҳуриятимиз раҳбарияти оғир, аммо шарафли соҳа кишиларини ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб қувватламоқдалар. Шунинг учун жиноятчиликка қарши кураш сезиларли даражада яхши олиб бориляпти.

Эътибор ва ғамхўрликнинг яхшиланиши туфайли милиция идораларига ешлар ишлаш учун кела

бошладилар. Агар биз кадрларни жой-жойга қўя олсак, у ҳолда умумий иш-мишарларда муваффақиятни анча таъминлаган бўлаемиз. Бу борда муваффақиятларимиз ёмон эмас, лозим топсангиз бу ҳақда кейинроқ тўхталасак.

Хўбир мен ишга қабул қилиш хусусида сўз юритмоқчиман.

Мавжуд бўш ўринларни тўлдириш учун ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб келган, бўйи 170 смдан юқори бўлган (зобитлик лавозимларига), фақат олий маълумотли ҳуқуқшунос, педагог ва психологлар қабул қилинади. Оддий ва кичик бошлиқлар таркибига эса (яъни милиционерлик лавозимига) олий (заҳирадаги зобитлардан ташқари), тугалланмаган олий, ўрта махсус маълумотли, тайинли корхона еки жамоада ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланаётган ешлардан танлаб олинади. Бу билан биз ўрта маълумотли ешларни ишга қабул қилишни чекладик.

(Давоми 4-бетда).

БИНО ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

• САЙХУНОБОД туманидаги «Сайхун-Паром» ДАН пости биноси қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Энди кўркам бу бинода йўл ҳаракати назорати ходимларининг дам олиши ва кузатиш ишларини намунали ташкил этишлари учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Суратларда: (чапда) ДАН постининг янги биноси, (ўнгда) йўл назоратчилари милиция катта лейтенанти Сотволди Ҳамралиев ва ДАН нозири, милиция старшинаси Олимжон Мирзақулловлар ҳайдовчи гувоҳномасини текширмоқдалар.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.



БУРЧ ВАҚТ ТАНЛАМАЙДИ

ҲАР бир эзгу ниятли инсон ҳаётда яшар экан, ўзидан яхши ном қолдиришга, хайрли ишлар қилишга, кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлганда бахтезликка учраган кишидан ерданини аямасликка ҳаракат қилади. Милиция кийимини кийган ходим зиммасига эса икки томонлама масъулият юкланади. Биринчиси, инсонийлик бурчи бўлса, иккинчиси, хизмат бурчи. Милиция ходимлари қандай вазиятда бўлмасин, улар хизматда, дам олишда, барибир жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиши лозим. Ҳаттоки даволанаётган пайтда ҳам ўзини чеккага олиб туролмайди.

Яқинда ана шундай ҳодисалардан бири содир бўлди. Бухоро вилояти ИИБ Қўриқлаш бўлими бўлинма бошлиғи, милиция майори Анвар Азимов касаллиги сабабли вилоят ИИБ поликлиникасида даволанаётган эди. Эрталаб 18 яшар ўғли Жамшид билан ўзининг шахсий "Жигули" машинасида поликлиникага келиб, ҳақимлар текширувидан ўтгач, уйга қайтаётган пайтда икки йигит "Строитель" ўйингоҳи олдида йўл ҳаракати қондасини кўпол равишда бузиб, "Ява" русумли мотоциклда катта тезликда унинг машинаси олдида ўтиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг милиционер ўрта яшар эркак кишининг югуриб кетаётганлигини, мотоцикл кетган томонга қараб ўткинчи одамлардан ердан сўраётганлигини кўриб қолди. Тажрибали милиция ходими қандайдир бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини, мотоциклдаги икки йигит нимадир қилганлигини дарҳол тушунди ва машинасини қайтариб, мотоциклни қувиб кетди. Мотоциклни қайси йўналиш бўйлаб кетаётганлигини назорат қилиш жуда қийин эди. Чунки шаҳар кўчаларида транспорт серкатнов, энг мушқули эса мотоциклнинг ҳар қандай тор кўчадан ҳам ўтиб кетиши эди. Бундай ҳолатда катта тезликка эга бўлган "Ява" мотоциклни ушлаш осон эмаслиги аён. Лекин милиция майори Анвар Азимовнинг икки ишлар идораларидаги кўп йиллик хизмати, ДАН ва жиноят-қидирув бўлимларида ишлаб тўплаган тажрибалари қўл келди. У шаҳар кўчаларида давлат рақамсиз мотоциклни бир неча марта кўздан қочирди, излай-излай яна топиб олди. Мотоцикл орқасидан эҳтиёткорлик билан машинасини ҳайдаб, ўртадаги масофани анча қисқартирди.

Нижоят, йўлнинг кесилган жойида мотоцикл тўхтади. Шу пайт милиция майори машинасининг тезлигини пасайтириб, мотоциклнинг олдини тўсди. Бундай бўлишни кутмаган жиноятчилар дарҳол мотоциклни ўт олдириб, қочинга шайландилар. Машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Анвар аканинг ўғли Жамшид машинадан сакраб тушиб, ўзини жиноятчилар миниб турган мотоциклга олди. Мотоцикл ағдарилиб, икки жиноятчи йиқилди. Шу пайт машинадан тушган Анвар Азимов ўлига ерданга етиб келди. Ота-ўғил Азимовлар жиноятчиларни ушлаб машинага ўтқазди. Улардан бирининг қўлида эркаклар телпаги бор эди. Шунда милиция майори А. Азимов булар талончилик содир этганлигини тушунди, ва ҳар иккала жиноятчини Тўқимачилик тумани ички ишлар бўлимига олиб келди.

Талончилар Пешку туманида яшовчи ака-ука Нуриддин ва Норбой Олар экан.

Улар тасодифан танишган эдилар. Танишув эса икки қалбга муҳаббат чўғини ташлади. Бу чўғ бора-бора алангага айланиб, бир-бирларини кўрмасалар туролмайдиган бўлиб қолишди.

Аммо нима бўлди-ю, Наталья бошқа бир кишига турмушга чиқиб кетди. Фақат кўп ўтмай турмуши бузилиб онанингига қайтиб келди. Тақдир уларни яна учраштирди. Энди улар учрашганда тонгни бирга оттирадиган бўлишди. Ўз навбатида Акмал ҳам бошқа бир қизга уйланди. Натальядан эса кўнгил узолмади.

Акмалнинг кийдириларида беҳабар келинчақ ўз тақдирдан, турмушдан жуда-жуда хурсанд эди. Афсуски, унинг хурсандчилиги узоққа бормади. Август кунларининг бирида Акмал қўлчирик ва бир шиша ароқ олди-да кечкурунги сменага ишга

КЕЧКИРИК СЎРАЛГАН КЕЧКИРИМ

кетаяпман деб, уйдан чиқиб кетди. У тўғри Натальянинг уйига келиб, уни чақирди. Уйда қизнинг онаси борлиги учун иккаласи пойгақда анча суҳбатлашиб туришди. Акмал чўнтагидан ароқни чиқариб, ичишни таклиф этди. Наталья рози бўлиб, уйдан газак учун ҳар хил мева олиб чиқди. Улар кеч соат бирларгача ароқхўрлик қилишиб, бир-бирларининг "муҳаббат"ларидан қонишди...

Кўнгли жойига тушган йигит уйига кетмоқчи бўлганда, қиз: "Эрталабгача қолсан, бўлмаса хотинингга телефон қилиб, мен билан бўлганингни

айтаман", — деб тихирлик қилди. Акмал Натальяни аврашга тушди. Фойдаси бўлмади. Сири ошкор бўлишдан кўрққан Акмал Натальяни бўга бошлади. У жон талвасасида йигитнинг юзини тирнаб олди. Жаҳл отига минган йигит қизни янада қаттиқроқ бўғишга тушди. Кўп ўтмай Наталья тинчиб қолди. Қизни кўрқитаман деб, қилган ишининг фожиаси билан тугаганлиги йигитни гангитиб қўйди. Типирчилаб қолган Акмал аёлнинг жасадини уйнинг ертўласига киритди-да, ўзи уйига кетди.

Уйга ранги оқарган, юзлари

тирналган ҳолда кириб келди. Эрини бундай ҳолатда кўрмаган келинчақ нимаданир шубҳаланиб, сабабини сўради. Акмал бўлиб ўтган воқеани яширмади. Орадан кўп ўтмай милиция ходимлари Акмални сўраб келишди. Шундагина шўрлик келинчақ бахти чил-чил синганлигига ишонди.

А. Иброҳимов 22 ешида оғир жиноятга қўл урди.

У судда қилмишига тўлиқ иқдор бўлиб, ўйламай қилган иши учун барчадан кечирим сўради. Афсуски, бу кечирим мутлақо ўринсиз, ўринли бўлган тақдирда ҳам кечикиб сўралган кечирим эди.

Тўқимачилик тумани суди А. Иброҳимовни 9 йилга озодликдан маҳрум этиш ва жазони кучайтирилган режимли меҳнат колониясида ўташ тўғрисида ҳукм чиқарди.

Қуш саҳифа:

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

Одамлар бўладик, тирингда ўликдир,
Одамлар бўладик, ўлганида тирикдир.

АЛЛОМА Максуд олий милиция мактабига ўқишга Шайхзоданинг бу ҳикматли кириб, уни муваффақиятли сатрлари биз ҳикоя қилмоқчи таомлади.

Мирбафо Иброҳимов Гиждувондаги Мирзо Улугбек номи мактабни тугатгач, 1940 йили Ватан хизматига чақирилди. У ҳарбий хизматчи бўлишни кўнглига тугиб қўйганди. Нияти амалга ошди. Полтавадаги икки йиллик штурманлар тайерлаш ҳарбий авиация курсини таомлади. Улуг Ватан уруши йилларида фашистларнинг додини берди, жангдан галаба билан қайтди. Мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Ишда, одамлар орасида ҳақиқат ва адолатни ҳимоя қилиши, ишламай бойлик орттиришга ружу қўйган нопок шахсларга нисбатан мурасасизлиги билан у эл оғзига тушди.

Ўша пайтда Гиждувон тумани ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаётган Камол Муродов Мирбафони чақиртириб, у билан обдон суҳбатлашгач, махсус милиция ходимлари тайерлаш мактабига ўқишга киришни таклиф этди. Мирбафо бу таклифга рози бўлди. Тошкент ўрта махсус милиция мактабининг тезкор чекистлар тайерлаш бўлимига ўқишга кирди. Ўқишни тугатгач, дастлаб ишни Қизилтепа туманидаги махсус комендатурада комендантликдан бошлади. Ўз касбини юракдан севган йигит олий маълумот олишга аҳд қилди. Москвадаги

олий милиция мактабига ўқишга кириб, уни муваффақиятли таомлади.

М. Иброҳимов ўзининг ички ишлар идораларидаги 28 йиллик хизмати давомида Қизилтепа,

ЁДНОМА

Кармана, Гиждувон, Когон туман ИИБларида махсус комендатура комендант, терговчи, бош терговчи, жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи, вилоят ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимида катта вакил, шунингдек, Томди, Вобкент, Олот туманлари ички ишлар бўлими бошлиғи вазифаларида самарали меҳнат қилди. Унинг ташкилотчилик қобилияти, қўл остидаги ходимларга нисбатан меҳрибонлиги ва талабчанлиги, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши мурасасизлиги хизмат бурчига садоқатида яққол намоён бўлди.

У кўп йиллик меҳнат фаолияти даврида халқимиз осойишталиги йўлида маҳорат ва хушёрлик билан хизмат қилаётган милиция ходимларига устозлик қилди, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвонига сазовор бўлди ва қатор медаллар билан тақдирланди. Тиниб-тинчимас фидойи инсон қариллик нафақасига чиққандан кейин ҳам бир неча йил Гиждувон тумани ижрония кўмитасида меҳнат қилди, кейинчалик Гиждувон шаҳар ўт ўчириш бўлинмасини бошқарди. Бутун умрини эзгуликка, эл тинчлигини сақлашга бағишлаган Мирбафо Иброҳимов 71 ешида вафот этди.

Ҳақиқатан ҳам Мирбафо Иброҳимов машаққатли, аммо ҳавас қилса арзигулик ҳаёт йўлини босиб ўтди, бир умр ўз эътиқодига содиқ қолиб, қалб амрига итбат қилиб яшади.

ҚАСАМЁД ҚИЛДИЛАР

Республикамизда ички ишлар идоралари ходимларининг тантанали қасамёд қабул қилишлари тобора одат тусига кириб бормоқда.

Яқинда Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасида янги ишга қабул қилинган 30 нафар еш милиция ходими тантанали қасамёд қабул қилишга тўпланишди. Тантанали маросимни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини, милиция полковниги Н. Шаропов очиб, еш милиция ходимларини табриклар экан,

жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликка қарши курашдек қийин касбини танлаган йигитларнинг ишларига омад тилади.

Қасамёд қабул қилган милиция ходимларини вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи муовини, ички хизмат подполковниги К. Иброҳимов табриклар, уларни милиция ходими деган шарафли номга ҳеч қачон доғ туширмасликка даъват этди.

ҚИММАТГА ТУШДИ

Собир ҳали еш. Айни кучга тўлган, тоғни урса талқон қиладиган пайти. Оилали. 3 нафар гулдек фарзанди бор. Кўп қатори ишлаб, оиласини тебратиб юрди. Афсуски, ундаги иродасизлик, ўзини қўлга ола билмаслик, ичкиликка берилиб кетиш охири-оқибати уни озодликдан маҳрум этиб, тўрт девор орасига ташлади.

Муқаддам бир йилда икки марта спиртли ичимлик ичиб, транспорт бошқарганлиги учун унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 208-моддаси 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш жазоси берилиб, ҳар ойда меҳнат ҳақининг 20 фоизи давлат фойдасига ундирилиши ҳақида ҳукм чиқарилган эди. Бироқ, Собир бундан тўғри хулоса чиқармади, ўзига ўхшаган "дўстлари" билан улфатчиликка берилиб кетди. Норасида гўдақларини, гулдек хотинини ҳам ўйламади. Ҳали тайинланган жазони ўтаб бўлмаганлигини, ичиб транспорт бошқариш жиноят эканлигини, бу гал қўлга тушса, унга энди енгил жазо эмас, қамоқ жазоси берилишини ҳам унутди.

У ўзининг шахсий "Ява" мотоциклни бошқариб кетаётганда давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширилганда яна ичганлиги маълум бўлди. Бу галги кайф-сафо Собирга анча қимматга тушди.

Вобкент туман суди унга нисбатан тўплаган материалларни атрофлича ўрганиб, Шофиркон тумани суди томонидан берилган жазонинг ўталмай қолган кунларини ҳам ҳисобга олиб, қамоқ жазоси тайинлади.

Агар чуқур ўйлаб кўрилса, Собир ўзига ўзи жабр қилди. Ахир у яна ичиб транспорт бошқарса озодликдан маҳрум бўлишни яхши биларди. Лекин иродасизлик, ҳаётга енгил-елли қараш, вақтинчалик ҳузур-ҳаловатни келажак орзуларидан устун қўйиш унга қимматга тушди.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

БУХОРО вилоят ҳокимлиги ИИБ жиноятларнинг олдини олиш бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш назориятининг катта нозир, милиция подполковниги Гавҳар Худоёрова ва унинг ҳаммаси, ВЕИН нозир, милиция капитани Раиса Жўраеваларга ҳар куни ўсмирлар жиноятчилиги муаммосига тўқнаш келишга тўғри келади. Ўсмирларни уларнинг ҳаётига қора доғ туширувчи қалтис хатодан қандай қилиб асраб қолиш мумкин, уларни носоглом оилавий-маиший муносабатларнинг салбий таъсиридан қандай қилиб сақлаш, яхшиликни ёмонликдан фарқлашни ўргатиш мумкин? Вояга етмаганлар билан ишлаш назорияти ходимларига ана шунга ўхшаш бошқа кўплаб мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келмоқда. Вилоятда шу йилнинг биринчи чорагида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг камайганида ҳам уларнинг собитқадам ва қатъиятли фаолиятининг ҳиссаси бор.

Суратда: Бухоро вилоят ҳокимлиги ИИБ ЖООБ ВЕИН катта нозир, милиция подполковниги Гавҳар Худоёрова ва унинг ҳаммаси, ВЕИН нозир, милиция капитани Раиса Жўраева вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирни ишлаб чиқишмоқда.

Е. ЗУЕВ олган сурат.



ЎЗ ҲАЁТИНИНГ ҚОТИЛИ

Анатолий Краснопеев Красноярск шаҳридан Когонга келиб яшаб қолди. Шаҳар пахта тозалаш заводида электр соловчи бўлиб ишга кирди. Туппа-тузук ишлаб ҳам юрган эди. Нима бўлди шайтон кутқусига учдими текин даромад, енгил ҳаёт кечирини орзу қилиб қолди. Ўғирликка қўл урди. Омади чопмади. Суд уни бу қилмиши учун бир йилга озодликдан маҳрум этди.

Жазони ўтаб қайтгач тавба қилмади, яна жиноятга қўл урди, ўғирлик қилди. Бу гал у 4 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Тўрт девор орасида ўз қилмишидан пушаймон бўлди чоғи, қамок муддатини ўтаб қайтгач, ишга жойлашди. Шу орада Раиса исмли қиз билан танишиб, бирга яшай бошлади. Бироқ "ўрганган кўнгли ўртаниб қўймади". Ўзига бино қўйиш, манманлик, зўравонлик сингари иллатлар, нопоклик қонига сингиб кетган экан. Оиласини менсимай қўйди, туриш-турмушига бепарволик билан қарай бошлади. Оқибатда турли келишмовчиликлар чиқиб, эр-хотин ўртасидан меҳроқибат кўтарилди.

Қайси бир кун кечкурун Анатолий ишдан уйига қайтганда кечки овқат тайёрланмаган экан. У хотинига овқат тайёрлашни буюрди, хотини эса, "овқат керак бўлса ўзинг пишир", деб жавоб қайтарди. Ўртада жанжал чиқди. Анатолий хотинини дўппослади, калтакланган Раиса каравотга етиб йиғлай бошлади. Анатолийнинг ваҳшийлиги кўзгаб, кўзларига қон қуйилди. Хотинининг оғзини ёстиқ билан епиб, ваҳшийларча қийнаб ўлдирди.

Аввалига Анатолий бир зум гангиб қолди. Сўнг қотиллик изини йўқотиш йўлини қидира бошлади. Ташқарига чиқиб, атрофни зимдан кузатди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ўзига тегишли томорқа ерида чуқур қазиб, жасадни кўмди. Сувдан қуруқ чиқиш мақсадида, "хотиним йўқолиб қолди, топишга ердан беринглр", деб ички ишлар бўлимига ариза ёзиб, илтижо қилди.

Қидирув олиб бораётган ички ишлар бўлими ходимларини Анатолийнинг ўзини телбаларча тутиши ўйлантириб қўйди. Тажрибали изкуварлар вазиятни чуқур ўрганиб чиқишгач, жиноят содир этилганига чуқур ишонч ҳосил қилишди. Далилий сўровларга бардош беролмаган Анатолий хотинини ўзи ўлдирди, томорқасига кўмганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Жаром таомга ружу қўйган нафси бузук А. Краснопеев эндигина 30 баҳорни кўрган ўз хотини ҳаётига зомин бўлди, уч норасида гўдакнинг бошига етимлик азобини солди.

ЧЎНТАК-КЕСАРЛАР

Чўнтаккесарлар меҳнаткаш ҳалқимизнинг оқ кўнглигидан фойдаланиб, асосан жамоат транспортларида, бекатларда, тақчил моллар учун кўпчилик бўлиб навбатда турган кишиларнинг чўнтакларини "тозалаш" кетяптилар. Бухоро вилояти ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари жиноятчиликнинг бу турига қарши кескин кураш олиб бориб, бировларнинг меҳнати эвазига кун кўраётган чўнтаккесарларни жиноят устида қўлга туширмоқдалар.

19-йўналишдаги автобус Бухоро ёғ заводи бекатида тўхтаганда Бухоро тумани "Маданият" жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Ш. Муродовнинг чўнтагидан 20 минг сўм пули ўғирланди. Бироқ, ўғри ўз мақсадига етолмади. Автобусда кетаётган вилоят ИИБ ЖКБ кичик тезкор вакиллари Ф. Жалолов ва О. Хусеновлар томонидан қўлга олинди. Чўнтаккесар ҳали еш бўлишига қарамасдан аллақачон жиноятчилик кўчасига кириб кетган, жиноят содир этгани учун муқаддам икки марта судланган, Бухоро уй-қурилиш комбинати ишчиси Ахтам К. экан.

Коракўл шаҳрида яшовчи Р. Авлиекулов Бухоро шаҳрига келиб чўнтаккесарга учрайман, деб ҳеч ҳам ўйламаган эди. Деҳқон бозори бекатида автобус кутиб турган Р. Авлиекулов чўнтаги "тозалаш кетилгани"ни сезмай қолди. Чунки чўнтаккесар жиноят содир этиш борасида катта тажрибага эга бўлган, ҳаётининг 44 йили давомида турли муддатларда беш марта қамалиб чиққан, "алоҳида хавфли жиноятчи" Раҳим Т. эди. Лекин жиноятчи қанчалик тадбиркор бўлмасин, хизмат вазифасини ўтаётган кичик тезкор вакиллар И. Хотамов ва И. Ражабовлардан қочиб кутула олмади.

ҲАЁТДА шундай инсонлар ҳам борки, ҳаёлида фақатгина бир нарса юради. Ундайлар қандай йўл билан бўлмасин, кимнингдир йиллаб, мисқоллаб топган нарчасини ўғирлаб, жигилдонга уриш билан кун ўтказишади. Уларни ҳаётимизда бўлаётган ўзгариш, республикамиз мустақиллигини таъминлашдек эзу ишлар мутлақо қизиқтирмайди.

Ҳалим ана шундай инсонлар тоифасидан. У ҳеч қаерда

хўжалигидаги омонат кассани кўз остига олди. Кечкурун соат бирларда мисранг билан омонат касса деворини эҳтиёткорлик билан буза бошлади. Афсуски, ўйлаган режасини амалга оширолмади. Тўйдан қайтаётган одамларнинг шовқин-суронидан кўрқиб қочиб қолди. Омади келмаганидан бир неча кун жигибйрон бўлиб юрди. Унинг тушқунликка тушиб юрганини кўрган Николай исмли ҳамтовоғи ҳол-аҳвол сўраган

Вобкент туманидаги "Ал-Бухорий" жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро З. Ҳайдаровнинг уйига дераза ойнасини синдириб кирди. Уйдан қўлига илинадиган нарса тополмагач, эски бўлсада "Рассвет" русумли телевизорни олиб чиқиб кетди. Телевизорни қисмларга бўлиб, пуллашга арзийдиган нарсаларни ажратиб олди, қолган қисмини дарёга ташлаб юборди. Аммо бу билан унинг кўнгли тинчимасди. Мўмайроқ пул топиш режасини туза бошлади. Бир неча кунлик кузатувдан сўнг Вобкент шаҳрида яшовчи Т. Хотамовнинг уйини "тозалашга" қарор қилди. Эр-хотиннинг ишга кетганлигига ишонч ҳосил қилгач, кундуз соат 10 ларда уйга кириб 5500 сўм пул, бир жуфт "Шибирма" ҳалқа, олтин никоҳ узугини ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаб кетди.

Қингир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганлари рост экан. Ҳалимнинг жиноий саргузаштларига ички ишлар ходимлари чек қўйишди. Афсуски, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Милиция ходимлари тадбиркор "саёхатчи"- жиноятчини аниқлаш учун қанчадан-қанча вақт, куч сарф қилишди. Неча-неча тунларни тонглага улаб бедор ўтказишди. Қилинган меҳнатлар зое кетмади. Ҳалим жиноят устида қўлга олинди. Суд эса Ҳалимнинг меҳнатларини муносиб тақдирлаб, уни 7 йилга озодликдан маҳрум этди, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди. У жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўтайдиган бўлди.



ишламайди, бўйдок, муқаддам жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум этилган. У қамокдан қайтгач ҳам, ўз ҳаёт йўлини ўзгартирмади. Яна текинхўрлик кўчасига кириб олди, фуқароларнинг мол-мулкни ўғирлаб кун кўра бошлади.

Қиш кунларининг бирида у тўйиб ароқ ичиб, Вобкент туманидаги "Хайрабод" жамоа хўжалигида яшовчи Т. Бахроновнинг уйига ўғирликка тушди. Уй қулфини ўзи ясаган қўлбола ускуна билан бузиб, пул, бир неча хил қимматбаҳо аёллар материаллини, олтин узук ва ҳалқаларни олиб гойиб бўлди. Уй эгасининг қон босими охиб қолаверди. Ҳалим эса ўғирланган нарсаларни арзон-гаровга пуллаб кун кўриб юраверди. Пули тугагач, яна ўлжа излашга тушди. Бу гал у Охунбобоев номли жамоа

бўлди. Ҳалим бор гапни айтиб берди. Шундан сўнг улар омадлари келмаётганидан ҳасратлашиб, роса ичишди. Яхши яшаш, кайф-сафони давом эттириш учун навбатдаги ўғирлик режасини тузишди.

Тунги соат 2 дан ошгач, улар ўзлари билан бир кўчада яшовчи Л. Холоднякнинг уйига девордан охиб киришди. Омадни қарангки, Людмила уйда йўқ экан. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уйдаги барча нарсани йиғиштира бошлашди. Улар ҳатто шкафдаги 10 дона дастурмол, осма қулф, 20x30 ўлчамли бир дона дераза ойнасини ҳам ташлаб кетишмади.

Ҳ. Шокиров ўзининг жиноий саргузаштини шу билан тугатмади. Ўрганган кўнгли ўртанса қўйма, деганларидек, у яна текин "ўлжа" излашга тушди.

ГАЗЛАММАН

Осойишта тун. Соат миллари тўртлардан оққан. Ҳамма ширин уйқуда. Фақат уч шарпагина гаразли мақсадда Бухоро шаҳри кўчаларини кезиб юрибди. Улар олдиндан тунаш учун келишиб қўйилган хонадонга яқинлашиб келишди. Чор атрофни зимдан кузатишди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, уларнинг бири уй томига чиқди ва телефон симини қирқиб ташлади. Ҳовлига тушиб, эҳтиёткорлик билан дарвозани очди. Кўчада кутиб турган икки шарпа ҳам ҳовлига кирди. Ҳар учаласи юзига никоб кийиб олган, бирининг қўлида қирқма милтик, бирининг қўлида пичок...

Босқинчилар чол ва кампир ухлаб ётган хонага бостириб киришди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ, осойишта ухлаб ётган чол билан кампирни тепкилаб уйқотишди. Ҳали уйқули кўзини очиб, ўзига келиб улгурмаган чол билан кампирнинг бетига

тарсаки тушди. Калтак зарбига дош беролмаган кампир ҳушидан кетди, чолни эса ўлгудек қийнашди. Товуши чикмасин деб, оғзига ёстиқ бостиришди. Газандалар чалажон аҳволдаги чолнинг оёқ-қўлларини чандиб боғлаб ташлашди. Сўнг уйдаги қўлга илинадиган барча қимматбаҳо ва тилло буюмларни машинага ортиб кўздан гойиб бўлишди.

Чол ва кампир бошларига тушган даҳшатли воқеадан сўнг ҳушларига келгач, ички ишлар бўлимига мурожаат этишди. Бухоро вилояти ИИБ ЖКБ ва Тўқимачилик тумани ИИБ ходимлари воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб келишди. Бироқ, жиноятчилар ўзларидан бирон-бир из қолдиришмаган эди. Вилоят ИИБ ЖКБ, тергов бўлими ва Тўқимачилик тумани ИИБ тажрибали ходимлари — милиция подполковниги А. Мирон,

милиция майорлари С. Атоев, Д. Ҳайитов, А. Ниёзов, милиция катта лейтенанти Р. Ботировлардан иборат тезкор гуруҳ тузилиб, босқинчиларни қидириб топишга киришилди.

Қароқчиларнинг жиноят содир этиш борасида катта тажрибага эга эканлиги, ўта устомонлиги улар содир этган қабиҳ ишдан ҳам яққол намоён эди. Жиноятни фож. этиш, уларни қўлга олиш учун тажрибали изкуварлар бир неча тунларни бедор ўтказишди ва ниҳоят ўтган йилнинг ноябрь ойи ўрталарида мазкур жиноятчи гуруҳ аъзоларидан бири қўлга олинди.

Натижада ҳаётнинг аччиқ-чу-чуқларини ўз бошидан кечирган, 60-62 йил мобайнида жамиятимиз рағнаки учун ҳалол меҳнат қилиб, нафақага чиққан чол ва кампирни ваҳшийларча қийнаб, уларнинг бор бисотини олиб кетган кўрнамаклар уч ки-ши эмас, йигирма киши эканлиги маълум бўлди. Уюшган жиноий гуруҳга муқаддам бир неча бор судланган, ўта хавфли жиноятчи номини олган шахс ташкилотчилик ва бошчилик қилган.

Гуруҳ аъзолари 1991 йилдан бошлаб то қўлга тушунгача қадар Бухоро вилояти ҳудудида уч босқинчилик, фуқаролар ва давлат мол-мулкни ўғирлаш каби 16 та жиноят содир этганлар. Ўғирланган нарсалар Бухоро, Когон, Тошкент, Навоий вилоятининг Нурота тумани, Туркманистон шаҳарларига олиб бориб сотилган ёки гиёҳванд моддаларга алмаштирилган. Улардан жиноий йўл билан орттирилган катта миқдордаги тилло буюмлар, аудиовидео ускуналар, кўп миқдордаги Америка доллари, туркман манати, гиёҳванд моддалар, қирқма милтик, ўқлар, совуқ қуроллар тортиб олинди, 60 миллион сўм-купондан ортик қийматдаги мол-мулк ўз эгаларига қайтарилди.

Шундай қилиб, ички ишлар ходимларининг фидойилиги туфайли яна бир уюшган жиноий гуруҳнинг илдизига болта урилди.

Қиш саҳифани вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция майори Ш. Қўлдошев тайёрлади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ



47-АТМК бош ҳисобчиси, ички хизмат капитани **Н.**

НАСРУЛЛАЕВНИ туғилган кунлари билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Насимжон ака, сизга табаррук қирқ ешга тўлганингиз муносабати билан, мустақам соғдиқ, узоқ умр, бахт-саодат, келгуси ишларингизда улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

Жамоамиз номидан дўстингиз КАҲРАМОН.

Сирдарё вилояти ИИБ қошидаги "Қўриқлаш" бўлимининг катта ноziри, милиция катта лейтенанти **Искандар Эшбекович ЭШОНҚУЛОВНИ** туғилган кун билан чин дилдан табриклаймиз.

Хурматли Искандар! Сен учун азиз бўлган ушбу кунда сенга



соғлиқ, бахт-саодат ва хизматда муваффақиятлар тилаймиз.

Сирдарё вилояти ИИБ хузуридаги "Қўриқлаш" бўлимининг шахсий таркиби.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Профессор Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВГА!

Хонадонимизнинг чирोगи, оиламизнинг суянчиги, маҳалламизнинг файзи бўлмиш адажонимиз! Сизни табаррук 60 ешингиз билан қутлаймиз. Узоқ ва фаровон, мазмунли, тинч-осойишта ҳаёт, профессорлик фаолиятингизда ижодий баркамоллик тилаймиз. Бахтимизга бор бўлинг, фарзандларингизнинг, набирачевараларингизнинг тўйларини кўринг. Худойим умрингизга ва соғлигингизга барака берсин.

Акаларим ва келинларим, жияларим, онажонимиз номларидан кенжатоиларингиз



ЛАЗИЗБЕК ва НИЛУФАР.

Азиз дадажонимиз, милиция майори **Халил Мусаевни** туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклар, бизнинг бахтимизга соғ-саломат юришингизни тилаймиз.

МУСАЕВлар оиласи.



Штатсиз мухбиримиз, Жиззах вилояти ИИБ матбуот гуруҳининг ноziри, милиция кичик лейтенанти **Уроқ Ҳасановни** ўттиз ешга тўлиши муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Унга сиҳат-саломатлик, хизматда муваффақиятлар ва ижодида катта ютуқлар тилаймиз.

"Постда" — "На посту" газета таҳририяти жамоаси.

ТОШКЕНТ ўрта махсус милиция мактабининг 2-курс талабаси **Муроджон БУРХОНОВНИ** 14 май таваллуд топган кунлари билан самимий муборакбод этамиз.

Азиз акажонимиз! Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Илоҳим ҳар ишда пирларнинг ўзи қўлласин, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг.

Эҳтиром ила турмуш ўртоғингиз **ДИЛФУЗАХОН**, сингилларингиз **ОЗОДАХОН, ШОИРАХОН, ШОҲИСТАХОН.**

ЭЪЛОН

Азиз газетхонлар!
Агар газетамиз орқали яқин кишиларингизни табрикламоқчи эки эълон бермоқчи бўлсангиз, марҳамат. Бунинг учун таҳририятга табрик, эълон матни ва алоқа бўлимига тегишли пўл тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни юборишингиз лозим. Матннинг ҳар бир сўзига 350 сўм, сурат учун эса қўшимча 15 000 сўм тўланади.

АЗАГА АЙЛАНГАН ТҮЙ

Ҳозир — тўй мавсуми. "Намуна" жамоа хўжалигининг 9-бригадасида яшовчи Раҳмат Шоназаровлар хонадонида ҳам катта тантана бошланди. Севикли фарзанди бошини "икки" қилиш, узоқ-яқиндан келган таниш-билишларга мулозамат кўрсатиш орзусида эди уй эгалари. Ҳамма хурсанд, келиннинг қадами қутлуг бўлсин, деган яхши тилаклар овоз кучайтиргичлар орқали узоқ-узоқлардан эшитиларди. Санъаткорлар севги, вафони мадҳ қилишарди.

Бакир Тоштемиров ҳам кўплар қатори тўйга келди. У тарвуз қарлаган пичогини чўнтагига солиб, санъаткорларга яқинроқ бориб ўтирди. Шунда эски таниши Исмоил Абдурахмонов келиб, ундан "Сен "Правда"ликми?" деб сўради. У "ҳа" деб жавоб бериши билан ширакайф Исмоил: "Правда"ликларни қақир, уришамиз", — дея тихирлик қила бошлади. Шунда ҳам Бакир босиқлик билан: "Исмоил, урушмайлик, бировнинг маъракасини бузмайлик", дейишига қарамасдан уни судраб четга олиб чиқди. Кийимлари йиртилиб кетган Бакирни панароқ жойга тортиқлаб келган Исмоил унинг юзига ҳеч қандай сабабсиз мушт туширди. Кўзидан ўт қачнаб кетган Бакир жаҳл устида пичоқ чиқариб Исмоилнинг чап кўкрагига санчиб олди. Пичоқни ҳам шу жойга ташлаб, кўздан гойиб бўлди. Тўйхонада қий-чув, шовқин-сурон кўтарилди. Оғир тан жароҳати олган Исмоил-қасалхонада оламдан кўз юмди.

Ҳа, бир пиёла ортиқча ароқ сабабли бахтиёр онлар азага айланди. Термиз тумани суди Бакир Тоштемировни айбдор деб топиб, тегишли ҳукм чиқарди.

Тўй халқемизнинг азалий удуми. Аммо, ароқ тўй тантаналарида маҳалла оқсоқолларининг эътиборсизлиги туйфайли дастурхонга ортиқча тортилиб, баъзида қайғули воқеаларга сабабчи бўлмоқда. Бунга чек қўйиш барчанинг ҳайрли иши, савоб иш.

С.НОРМУРОДОВ,
милиция катта лейтенанти.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

Хотира — мангу еқиб қўйилган шам. Унинг ўтли шуъласида вақтлар капалакдек қанотларини куйдираверади. Кунларимиз барги ҳазон мисол ортимизда сочилиб қолаверади. Умримиз бесамар кечмапгитмикан деган турфа ўйлар гирдобига олганда ўтган кунларнинг олдида ҳисоб бергинг келаверади. Гарчи қувончли кунларнинг сени орушида масрур этса-да, баъзида қалбингни нимадир унсиз чимдийди. У нима? Ана шундай дамда ортинга боқиб бу ўткинчи ҳаётда ўзингдан қандай из қолдирганлигингни бир бор эслайсан. Ушанда ортингда бўшлиқни кўрсанг вужудингни изтироб қулғани тайин. Алҳазар, бўшлиқдан худо асрасин. Сенинг ўтган умрингни фарзандларинг, дўст-биродарларинг ва хизматинг меваси тўлдириб турсачи, жиндак кўзингга еш қалқини аниқ.

Сайдулла Замоновнинг болалиги Ғузур туманининг шундоқ биқинида жойлашган, Сангишкон қишлоғида ўтди. Узининг ўктам ва ҳаракатчанлиги, билимга чанқоқлиги билан дўстларидан ажралиб турарди. Оғаси Абдулла аканинг таъкидлашича, у отга сакраб минар, ҳар қандай ишга бош қўшиб кетаверар, гоҳо уззукун лой ҳандақдан чиқмай оғир юмушларни бажарар экан. Бола бошидан-да.

Сайдулла Замонов қирчиллама йигит ешида урушга жўнади. То уруш тугагунча жангоҳларда фашист газандларига қарши курашди. У ешқурлиги билан ҳам бошлиқлари эътиборини қозонди. Бир гал бўлинима сардори унга: "Мана, уруш ҳам охиради, энди сен ҳам ҳарбий билим юртида ўқийинг керак", дея тақлиф қилиб қолди. Сайдулла кулиб: "Пешонадаги-да, ким билади?" дея унинг саволини жавобсиз қолдирди. Урушдан қайтгач, жангоҳларда чиниққан йигитга маҳалла-қўй торлик қила бошлади. Қани, энди у катта шаҳарларда катта юмушларни бажарса,

одамларга тиргак бўлса. Бир гал ҳарбий комиссариатга борганда кимдир ортидан: "мелисада ишлайдиган чақон йигитлардан экан", дея гап отиб қолди. Бундан Сайдулла ҳаяжон ила таажубланди. Е шу кишининг гапи

ХОТИРАДАН ЎЧМАЙДИ

тўғримиқан деган ўйларга борди. Эртаси кунни ўз инон-ихтиери билан туман мелисахонаси бошлиғи хузурига кириб борди. Бошлиқ ҳам унга зимдан разм солиб: "Уруш кўрган экансан, лойҳандаққа кирган одам лой қадрини билади. Келганинг яхши бўлди-да", деб кўнглини кўтарди. Инсоннинг табиати кизик, биров сал ошириб мақтаса тоғдек тош юмалаттандек хурсанд бўлиб юради. Шу-шу С. Замонов участка вакили бўлиб елкасида погон билан халқ юмушида юрди. Тағин ўзининг туғилган қишлоғига участка вакили. Одамларни беш қўлдай билади.

С. Замоновдаги ташкилотчилик, қобилият ва тажриба уни камолот паллапояси сари етақлади. Тез орада Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилди. Бу ерда 18 йил шу вазифада ишлади. Шаҳрисабзликлар Сайдулла акани маслаҳаттўй инсон сифатида ардоқларди. Халқ қалбига бундай киришининг сабаби тўйу маърака, бировнинг яхши-ёмон кунида у ҳозир ноziр бўлишида эди. Муҳтожларга ўз оғасига ердан қиландек кўмак кўрсатарди. Одамларни милициядан бездириб қўймади. Тўғрини тўғрига, ўғрини ўғрига ажрата биларди. Унинг шоғирди, истеъфодаги подполковник Аҳмад ака Остонов шундай эслайди:

— Сайдулла ака қаттиққўл, талабчан раҳбар эди. Ходим хато иш қилиб қўйдими унга етиги билан хатосини тушунтирарди. У кишида ходимни кўча-қўйда еки фуқаролар ўртасида койиш, дағдаға қилиш одатлари йўқ эди.

Хонасига қақириб оларди-да роса тузларди. Лекин ҳақоратламади. Оғзига беҳуда куч бермасди. Бир кунни бир ходим унинг хузуридан қизариб-бўзариб чиқди. У шу кунни икки жиноятни очди. Кечки йиғилишда денг Сайдулла ака ҳар икки гапнинг орасида уни мақтарди. Боғи ходимга қарайман, хурсанд. Йиғилиш тугагандан кейин у менга:

"Зап бошлиғимиз бор-да, буровгаям олади, кези келса бошингизга силайди", — деди мамнун бўлиб.

Сайдулла ака ҳеч бир ходимнинг бурнини қонатмаган. Аввали ўзига яхши ходимларни ишга оларди, уларни ишлага ҳам биларди. Энг муҳими ходимларининг қалбига йўл топарди.

С. Замонов 1973 йили Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Орадан кўп ўтмай истеъфога чиқди. Аммо машъум ўлим бағри дарё, меҳрли инсонни орамиздан олиб кетди. У ҳозир ҳаёт бўлганда етмиш ешга тўларди... У оддий милиционерликдан то милиция полковниги деган унвонгача машаққатли йўлни босиб ўтди. Кўкрагини орден ва медаллар беади, бир неча марта маҳаллий кенгашларга ноиб этиб сайланди. Ундан уч фарзанд, кўплаб шоғирдлар қолди. Утган йили қишлоқдошлари янги ўрта мактабга унинг номини қўйди. Бунинг бари унинг халққа яқинлигидандир. Зеро бундай элпарвар одамлар қалбларда тирик ҳайкалга айланади.

Ў. ХАЙДАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта ноziри, милиция катта лейтенанти.

ЭРТА тонг билан уйгонган Таваккал ака сигирларига ўт бериш учун молхонасига келди. Не кўз билан кўрсинки, тўйга атаб боқаётган семизгина кўчқори ва бир қўйи жойида йўқ. Атрофни роса қидириб чиқди, қўни-қўшниларида суриштирди. Аммо кўчқор билан қўйдан дарак бўлмади. Боши қотган Таваккал Отамуродов Богот туман ИИБга хабар қилди. Зудлик билан туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Баҳром Нурматов раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди. Туман ИИБнинг жиноят қидирув гуруҳи ходимлари, милиция катта лейтенанти Баҳром

ПАЙРАНИҒОЗ ОШПАЗ

Аҳмедов, милиция капитани Фарход Сапоев, участка вакили, милиция катта лейтенанти Нурилла Матекубовлардан иборат тезкор гуруҳ ходимлари воқеа содир бўлган жойни синчковлик билан кўздан кечириб чиқдилар. Айниқса, Таваккал аканинг қўшниларида бири тунда "Москвич-412" русумли Б 23-97 ХЗ давлат белгилари билан автомобилни

кўриб қолгани тезкор гуруҳ ишини анча енгиллаштиргандек бўлди. Текширув давомида бу енгил автомашина Богот туман, "Хоразм" жамоа хўжалигининг 3-бригадаси ҳудудида яшовчи, "Юлдузча" ширкатининг ошпази Собир Бобожиновга тегишли эканлиги аниқланди. Ошпазнинг уйи текшириб кўрилганда совуттичда анчагина янги сўйилган қўй гўшти

сақланаётгани маълум бўлди. Бу уша кўчқор ва қўйнинг гўшти эди.

Ошпаз С. Бобожинов тумандаги И. Дўсов номли жамоа хўжалигининг 13-бригадасида яшовчи дўсти Карим Рўзиев билан ўзаро тил бириктириб ўғирликка тушишган ва ўлжанинг фойдасини "арра" қилишга келишилган. Аммо қўли эгри бу кимсаларнинг кингир режаси амалга ошмади. Энди улар қилмишларига яраша суд олдида жавоб берадилар.

Сапарбой МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят, Богот туман ИИБ ходими, милиция старшинаси.

Сатифада:

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

(Боши 1-бетда).

Дастлабки натижалар чакки эмас

— Сифат йилининг дастлабки натижалари қандай бўлди?

— Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида бўлганидек, ички ишлар тизимларида ҳам йилнинг биринчи чораги таҳлил қилинди. Қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар ўтган йилнинг шу даврига таққослаб кўрилди. Мен муштарийларни қалғитиб қўйдиган рақамларни бир-бир санаб ўтирмайман. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мавжуд ўн саккизта шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларининг бирортасида ҳам жиноят ўсиши қайд этилмади. Биз жиноятчиликка қарши курашда нимаки ютуқларга эришган бўлсак, бу Андижон халқининг бизга кўрсатаётган мадади, вилоят ҳокимияти раҳбарияти ва вазирликнинг раҳбарлиги туфайлидир.

Аммо бу кўрсаткичлар билан кифояланиб қолишга ҳаққимиз йўқ. Чунки олдимизда ҳали ечимини кутаётган муаммолар кўп. Чорак таҳлили яна шунини кўрсатдики, айрим оғир турдаги жиноятлар сони маълум даражада ошди.

— Боя Сиз юқорида кадрлар олиб келётган муваффақиятлар ҳақида кейинроқ сўзлаб беришни ваъда қилганингиз. Аниқроғи, биринчи чоракда қўлга олинган жиноий гуруҳлар ҳақида тўхталсангиз.

— Бош устига. Маълумки, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, бутун ишбилармонлар юртбошимиз

рамхўрликлари туфайли дадил ривожланиш йўлидан бормоқдалар. Лекин улар йўлига тўғаноқ бўлишга уринаётган айрим нопок кимсалар ҳам йўқ эмас. Андижон шаҳридаги бир ширкат ва бир кичик корхонадан номаълум кимсалар 20 миллион сўмдан пул беришни талаб қилаётганликлари тўғрисида ахборот олинди. Зудлик билан товламачиларни қўлга олиш чоратадбирлари ишлаб чиқилди. Инсонларни қўрқитиш йўли билан боилк орттиришга ўрганиб қолган ўша кимсалар жиноят устида қўлга олинди. Андижон шаҳрида яшовчи А. Ж. ҳамда В. У. исми бу шахслар ёнидан икки донга

жанговар граната, автомат ва тўшпонча ўқлари, гнєҳвандлик моддалари олинди. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Эътибор беринг: мана шу ҳар бир ҳаракат остида милиция ходимининг жасурлиги ва мардлиги, касб маҳоратининг етарлиги туфайли қўлга киритилган ютуқ етибди. Кадрларни жой-жойига қўйиш мана шундай самараларни бермоқда.

— Андижон милициясининг кадр-қиммати тикланмоқда. Бу албатта қийин соҳа кишиларининг кечая кундуз олиб бораётган хизматлари мєвасидир. Халқимиз милицияга ишонч кўзи билан қараб, унга амалий ёрдам ҳам кўрсатаётир.

— Ҳа. Андижон халқи учрашувлар, мулоқотлар ва Кенгашларда бизни қўллаб-қувватламоқда. Жойларда юз бераётган салбий иллатларга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилишаётир. Халқнинг бу ишончи бизни жуда қувонтиради. Ички ишлар вазирлиги, вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам муайян ердмлар кўрсатишмоқда. Шунинг учун ҳам ишимизда олға силжиш бор.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. **Суҳбатдош Тоштемир ахмад ўРИНБОЙ ўғли.**

ЯНГИ БОШЛИК, ЯНГИ ТАДБИРЛАР

ҲАР қандай одам ишдан ишга ўтаётганда турли фикрларга боради. Баҳритдин Исмонов ҳам Балиқчи тумани ички ишлар бўлимига бошлиқ қилиб тайинланганда анча иккиланди. Чунки аввалги жамоасига жуда ўрганган, қўл



остидагиларни жуда яхши билар, ҳаммаларининг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик эди. Аммо милиция ходими бамисоли аскар — зарур жойда бўлиши керак. Бунинг устига, Б. Исмонов кўп ерларда хизмат қилиб кўнникан: Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, бошқарма ва бўлимлар.

Олий маълумотли ҳуқуқшунос Исмонов бекорга Балиқчи туманига ўтказилмаётганди. Ҳозирги вазият тақозоси билан бу туманда ҳам жиноятчилик кўпайганди.

Бошлиқ тумандаги шароитни синчиклаб ўрганди. Аҳвол анча емон эди. Исмонов ўзига режа тузди. Маълумки, жиноятчиликка чек қўйишнинг асосий шарти унинг олдини олиш. Шунинг учун у тумандаги қорхона ва ташкилот раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

Милиция ходимлари режани амалга оширишга киришдилар ва қўриқлаш ишлари бўйича қатор камчиликлар аниқлана бошланди. Масалан, кеч соат ўндан эрталабки олтигача текширилганда қоровулларнинг 55 фоизи е жойида йўқ, еки ухлаб етишарди. Уларнинг ҳаммаси видеотасвирга тушуриди. Шундан сўнг туман ҳокими билан бирга ноиблар, қишлоқ кенгаши, маҳалла кўмиталари раислари, оқсоқоллар, муассаса ва ташкилот раҳбарлари йиғилиб, видеотасвир кўрсатилиб муҳокама қилинди.

Исмонов, айниқса, тезкор вакиллар ва участка вакиллари ишга алоҳида эътибор берди. Улар ишнинг қаттиқ назоратга олиб, ҳар ҳафта ҳисobotларини тинглаб борди. Шахсий таркиб ўртасида интизомни мустаҳкамлаш мақсадига махсус ўқиниш ва спорт машғулотларига ўзи муштазам қатнаша бошланди.

Натижада милиция ходимлари ҳам катта масъулият сезиб ишларига гайрат билан киришдилар. Оғир жиноятлар сони 11,6 фозга камайди. Шунингдек, давлат ва фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш ҳам озайди. Гнєҳванд моддаларга боғлиқ жиноятларни аниқлаш 28 тага кўпайди, 162 та майда безорига нисбатан тегишли чора кўрилди. Бошқа республикалардан келган ҳар хил тоифадаги шахсларни назорат остига олиш мақсадида паспорт режими ўтказиш кучайтирилди.

Ҳодимнинг самарали ишлаши учун аввало оилавий шароити яхши бўлиши керак. Милиция подполковниги Б. Исмонов мана шунга ҳам катта эътибор бермоқда. Вилоят ИИБ раҳбарияти ердамида вилоят ҳокимияти томонидан ҳозир иккита 16 хонали уй, 50 ўрилли болалар боғчаси, қозоқхона қурилишига маблағ ажратилди.

Бу тадбирларнинг барчаси Балиқчи тумани милиция ходимларининг жорий йилда ҳам янада янги ютуқларни қўлга киритишларига имкон яратади.

О. ФАРМОНОВ.

КИСКА ХАБАРЛАР

Кўргонтепа шаҳрилик бекорчи Р. Тошбоевдан милиция ходимлари гумонсираб қолишди. Секин-аста унинг кимлигини суриштиришди. Гумон бекорга эмас экан. У **фирибгар бўлиб, иккита шериги билан ҳамшаҳарларидан 692 минг сўм илтишган.** **Фирибгарлар оғзиларини тўлдириб, қурилиш молларини топиб берамиз, деб уларнинг қўйиларини пуч енгўққа тўлдирганлар.**

Олтинкўл туманининг “Коммуна” жамоа хўжалигида яшовчи, 23-болалар боғчаси қоровули З. Умаров ҳовлисидан оқ матога ўралган чақалоқ жасади топилди. Ҳозир прокуратура тергов ишлари олиб борилмоқда.

Избоскан туманидаги “Пойтуғ” давлат хўжалигида яшовчи, 44 ешли А. Қиғчоқов уйига маст ҳолда келиб, жанжал кўтарди. Аммо унинг оқибати сулҳ билан тугамади. Аксинча, у қўлидаги пичоқни жаҳл билан улоқтирган, пичоқ тўппа-тўғри бориб ухлаб етган қизи — беш яшар Нодиранинг кўксига санчилди. Бу тасодифий ҳодиса (бу вазиятда тасодифий дейиш ҳам бир оз нотўғрироқ бўлса керак) **Нодирахоннинг бевақт ҳазон бўлиши билан якун топди.**

Олтинкўл тумани ички ишлар бўлими ходимлари Ф. Кўчқоров жамоа хўжалигида яшовчи, нафақадор, 64 ешли қоралаган С. Сиддиқовнинг уйдан 18 килограмм наша топиб олди. Тергов ИИБ томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ИИБ Матбуот маркази хабарларидан.

Ўрнак олса арзийди

Ички ишлар бўлими бошлигининг жиноят қидирув бўйича ўринбосари милиция майори А. Мавлонов иш хонасига эндигина кириб ўтирган ҳам эдики, эшик очилиб ичкарига бир йигит ҳовлиққанча кириб келди.

— Келинг ука. Қани, марҳамат, ўтиринг, — деди майор очик чехра ва ширин суҳанлик билан.

Йигит ўзига кўрсатилган бу илтифотга эътибор бермай, дабдурустан, “Хонавайрон бўлдим, ёрдам беринг!”, — дея гап бошлади.

фаровонлигига, осойишталигига бел боғлабсан, астойдил хизмат қил. Насиҳатим, жабрланувчиларга, одамларга нисбатан ўзингдаги инсоний фазилатларни йўқотма. Энг муҳими милиция шаънига, кийган либосингга доғ туширма, ҳалол ва пок бўл” — деди.

Ота ўғитларини қулўига қуйиб олган Элмурод Тошкентдаги махсус милиция мактабига ўқишга киради ва уни муваффақиятли тамомлагандан кейин ўз иш фаолиятини тугилиб ўсган туманида

ИЗҚУВАР

— Тинчланинг. Ётиги билан тушунтиринг, нима бўлди?

Йигит боқувдаги икки сигирини кечаси ўтирлаб кетишганини куйиб-пишиб гапирди.

Майор жабрланувчининг гапини диққат билан тинглади:

— Хотиржам бўлинг, ука, сигирларингизни албатта топамиз, — дея телефон гўшагини кўтарди. Бир-икки дақиқадан кейин унинг хузурига истараси иссиқ, кийими ўзига ярашган, билагида куч-қувват тўлиб-тошган милиция катта лейтенанти кириб келди.

Жиноят қидирув ишларида анча тажриба орттирган бу пахлавонсифат ходимга уйчан назар ташлаган майор содир этилган жиноят билан уни таништирди-да гумондор жойларни кўриб чиқишни буюрди. У тезлик билан ишга киришди. Жабрланувчини олиб Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, Новкент тумани, Кўчдор ота қишлоғига етиб борди. (Ўша кун у ерда бозор эди).

Ёш изқувар жабрланувчи йигит билан айтилган жойга етиб келганда, халқ ҳали тарқамаган эди. Улар мол бозорига кирмасданок калаванинг учи топилди. Чунки жабрланувчи симёғочга боғлаб қўйилган сигирни кўриб, бирдан қичқириб юборганди. У ҳаяжон тўла овозда: “Бу менинг сигирим. Ҳа, ҳа, худди ўзи. Менинг сигирим”, — деди. Шу пайт кутилмаганда бу сигирни мен “киргиз” пули билан 450 сомга сотиб олдим, — деб бир одам йигит томон талпинди.

Изқувар орага тушиб, ётиги билан мол ўғирланганлигини у одамга тушунтирди ва уни кимдан сотиб олганини сўради.

Орадан бир соат вақт ўтар-ўтмас 23-24 ешлардаги тоғни урса талқон қиладиган уч йигит бирин-кетин қўлга олинди.

Бу Андижон вилояти, Пахтаобод туманининг ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимининг ходими, милиция катта лейтенанти Элмурод Ҳайдаровнинг иш фаолиятдан бир лавҳа холос.

Ҳарбий хизматни танкчилар қисмида бошлаб, захирага старшина унвони билан бўшатишган Элмурод ота касбини давом эттиришга қатъий аҳд қилган эди. У қалбда тутилган бу ниятни милиция идораларида 28 йил хизмат қилган ва айна пайтда кексалик гаштини сураётган, истеъфодаги милиция майори Каримжон акага айтганда ота бениҳоя қувониб, “балли, азамат, эл-юрт, халқ

бошлади. Ўзининг тиришқоқлиги, жонқуярлиги, энг муҳим масъулиятни чуқур ҳис қилиши билан қисқа вақт ичида сафдошлари ичида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Топширилган вазифаларни тўла-тўқис бажариш учун у вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилди.

Самарали меҳнат беиз кетмас, деганларидай, унинг интилиши, меҳнати ҳам жамоа ходимлари ичида яққол кўзга ташланди. Ундаги хусусиятларни, касбига бўлган муҳаббатни сезган бўлим раҳбарияти унга катта ишонч билдириб, жиноят қидирув бўлимида ишлашни таклиф қилди. Участка вакили бўлиб ишлаётган лейтенант Э. Ҳайдаров бу ишончдан янада кўтаринки руҳ билан хизматни давом эттирди. Тинимсиз изланди. Бўлимадаги малакали ходимларнинг ёрдамига, панд-насиҳатларига тўла амал қилиб, бидмаганини сўраб ўрганди. Айниқса, содир этилган жиноятни изи босилмай очиб сирларини ўрганишга астойдил беринди.

Ўқишдан кейин ўтган уч йил давомида у турли кўринишда содир этилган ўғирлик, босқинчилик, талон-тарож ва бошқа жиноятларни очишда ташаббус кўрсатди.

Милиция катта лейтенанти Э. Ҳайдаров ҳақида Пахтаобод тумани ички ишлар бўлимининг бошлиги, милиция майори А. Сатторов шундай деди:

“Элмурод ёш бўлса ҳам ишнинг кўзини биладиган ходимларимиздан. Ўзига бириктирилган ҳар қандай жойда бурчини сидқидилдан ўтайди. Масалан, милиция капитани М. Исмагуллаев, милиция лейтенантлари О. Саидов, О. Ортиқовлар билан ҳамкорликда у қалбаки “Россия” рубли билан шугулланган бир тўда жиноятчилар гуруҳини фош қилиб, уларни қўлга олишда ҳам жонбозлик кўрсатди. Туманимизда содир этилган барча турдаги жиноятларнинг 80 фоизини тўла очиб, суд, прокуратура идораларига топширишда унинг хизмати бениҳоя.

— Ниятим келгусида ҳам ўз ишимга содиқ бўлиб, бурчимни янада юксакроқ даражада ўташ ҳамда Олий милиция мактабига ўқишга кириб, касб-маҳоратимни ошириш, — деди Э.Ҳайдаров.

Ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли ва беиминнат хизматни ўтаётган бу йигитга келгуси ишлари ва орзу-ниятлари рўёбга чиқишида каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Зафар ХУРРАМ.

Хаётнинг қинғирликлари

Шундай қилиб, озодлик! Узок қутилган озодлик, қочиб эришилган эмас, балки тўла расмий, адлия вазирлиги варағига оқ-қора қилиб ёзилиб, вазир имзо чеккан озодлик!..

Дастлаб Латюд ўзини шунчалик йўқотиб қўйдик, ҳатто фармон мазмунига унча аҳамият бермади. Тушунгач эса қувончи анча сўнди. Хужжатда гап сургун тўғрисида борарди. У Париж полицияси лейтенанти Лемуарнинг олдида бориши, сўнгра тугилган юрти, Монтиньяк шаҳрига кетиши, у ерда полициянинг қаттиқ назорати остида бўлиши керак эди. Сўнгсиз турмалардан кейин Латюд умрбод қувонгач маҳкум: оиласидан ажраб (отаси аллақачон ўлган, онаси оғир касал эди) маблағсиз, дўстларсиз у назорат остида жамоат жойларига боролмай, мамлакати бўйлаб юролмай гадоларча яшашга мажбур эди..

Барибир унинг ўттиз йиллик маҳбуслиги тугаган, ҳарна озодлик олган ва энди турма камерасидан ташқарида яшаш мумкин эди. Ғам ва қувонч аралаш кайфиятда Шарантонни тарк этиб, пиёда пойтахт томон йўлга тушди. У бошланг, йиртиқ пайпоқ, қачонлардир Брюсселда сотиб олган ярим чирик сюртукда, дабдала бошмоғи билан йўл лойини кечиб борарди. Парижда ҳамюртидан бироз пул қарз сўраб, тузукроқ қўйлак сотиб олди ва Лемуар қабулига жўнади. У Латюднинг ҳолига ачиниб қаради ҳамда онаси йўл учун пул бериб юборган кишини кўрсатди-да, дарҳол Монтиньякка кетишини такорлади.

Шундай қилиб, Латюд олис йўлга отланди. Худди аввалгидай, охириги чақаларни тежаб пиёда йўлга тушди. Кўнгли гаш эди, кейин маълум бўлишича, бекорга эмас экан. Ўн беш сутка юрганган кейин бир отлик офицер қувиб етди. Ўзини Демаре деб таништирган полиция чиновниги хужжат сўради ва уни ҳибсга олиши лозимлигини айтди. Латюд шўрлик олдин худди чақмоқ ургандай донг қотди, кейин эса фармонга суяниб, бу англашилмовчилик бўлса керак деди. Аммо Шарантондан озод этилган маҳбусни ушлаб Парижга қайтариш-буюриганини айтди. У Латюдни тинтиб, ҳамма қозғо ва пулини олиб қўйди, кишанбанд қилишга буйруқ борлиги, лекин қочишга уринмаслиги ҳақидаги ваъдасига ишонини айтди. Латюд сўз берди: у шундай аҳволда эдики, қочишни ўйламасди ҳам. Яқин аҳоли пунктида Демаре уни аравага ўтказди ва эртасига пойтахтга етишди. Латюд уч кун Шатле турмасида сақланди, кейин Бисетрга ўтказилди. Бўлаётган воқеалар сабаби унга номаълум эди. Нима учун Амелонинг фармони бекор қилинди? Лемуарнинг дастлабки кўрсатмасини шунчалик тез ўзгартиришига нима мажбур этди? Фош бўлишдан қўрқишми? Мулкдорлар жокимиятидан кимнингдир аралашувими? Аммо далил далилгича қолади: озод этиш тўғрисидаги фармон бекор қилинган ва Латюд бу гал хавфли жиноятчиларга мўлжалланган ахлоқ тузатиш турмасида

(Охири. Боши ўтган сонларда).

сақланиши лозим бўлган жиноятчига айланганди.

Бисетр

Ҳа, у захар тўла косасини охиригача ичиши керак эди. Уни олди бориб тиқишган жой аввалгиларига қараганда мисоли жаннат эди. Агар олдинги турмаларда Латюднинг одамлар билан мулоқот қилиши тақиқланган бўлса, бу ерда мутлақо бошқача эди: мулоқотга киришарди, аммо у кам қувонч

йўллаш бошлади. Шунда у ўзининг ҳақиқатда сира алоқаси бўлмаган таниқли бир хонимни тунаганликда айбланаётганини билди. Гуноҳдан соқит бўлмаслигини аввалдан англаган душманлари унга бемалол тўхмат қилгандилар. Табиийки, Сен-Виктор ва бошқалар бу "ашаддий жиноятчи"га ёрдам беришдан бош тортганлар. Ҳатто шунчалик ифлослигидан танг қолган онаси ҳам ўглидан воз кечганди...

Буларнинг бари Латюднинг руҳий ва жисмоний кучига путур

келди. Дастлаб таёққа суяниб юрган бўлса, бир неча ҳафта ўтиб шунчалик қувватга кирдики, таёқни ташлади. Шунда Латюд тезроқ лазаретдан чиқаришларини сўради. Сўрови қондирилди ва у тагин Бисетр камерасига тушди.

Аёлни қидир

"Аёлни қидир!" дейишади французлар. Бу ибора Латюд тақдирига жуда-жуда мос келарди: аёл уни расво қилди,

тўсиқ олдида тўхтамай, енгилмас ишонч ва қайсарлик билан бошлаган ишини давом этдирди.

Легро хоним узок муддат кучли одамлар кўмагидан умидвор бўлди. У аслзодалар, вазирлар, сарой аъёнлари ва юқори мансабли черков амалдорлари қабулига кирди, охири қиролнинг ўзига етиб борди. Ҳаммаси натижасиз эди. Шунда толмас ҳақиқат изловчи кенг жамоатчиликка мурожаат этишга қарор қилди. Аёл иккита йирик ҳукуқшуносни Латюднинг иши билан қизиқтиришга эришди ва улар галати маҳбус ҳаёти бўйича тўлиқ мемуар тузиб, юзлаб нусхада кўпайтирдилар ҳамда жамоатчиликнинг турли қатламларига тарқатдилар. Бу таъсирлироқ самара берди: тўхматга учраганнинг тарафдорлари кўпая борди, ҳукумат полиция апаратининг унга қарши туриши тобора қийинлашди. Латюдни қутқаришнинг ҳақиқий ҳаракати бошланди. Ҳаракат сиёсий ва молия инқирози француз мутлоқ ҳокимиятчилигини тубигача титратган ҳамда унинг аввалги мустаҳкамлиги йўқолаётган пайтга тўғри келди. Ниҳоят, кўчалардаги "Латюдга озодлик!" деган шiorлар ички ишлар вазирини Латюдни озод қилиш тўғрисидаги янги хужжат далолатномасига имзо чекишга мажбур этди.

Озодлик

Аммо тўла галабагача ҳали узок эди. Энг аввал Лемуар вазирнинг буйруғини ушлаб туришга ҳаракат қилди. Кейин, бу ҳеч нарса бермагач, полиция ҳокимияти уни олдингидай Монтиньякка сургунга юборишга интилди. Аммо Легро хоним курашни тўхтатмади. Латюд унинг маслаҳати билан тўла оқланмагунча Бисетрдан кетмаслигини айтди. Давом этаётган умумхалқ норозилиги тўлкинидаги бу намойишкорона қайсарлик охири-оқибат ўз мевасини берди. Галабага эришган толмас курашчи хоним турмага Латюднинг бутунлай озод қилиниб, Парижда яшашга рухсат этилган янги буйруқни олиб келди. "Ўша кун менинг тарихим, балки инсоният тарихида мен янги ҳаёт учун тугилган ўта буюк кун эди", — дея тугаллайди у қиссасини. Бу гап муболагага ўхшаса-да, ҳақиқат уруги бор эди: Латюднинг иши охириги босқичида Буюк француз инқилобига тайергарликка ўз улушини қўшди. Қўзгалган парижликлар Бастилияни хужум билан олдилар, кейин машъум ўтмишнинг даҳшатли рамзи сифатида бутунлай вайрон қилиб ташладилар..

Латюдга келсак, унинг тарихи шу билан тугамади. Турмада ўттиз беш йил етиб чиқиб, у жисмоний кучини ҳам, ақлий кучини ҳам йўқотмади, бардамлик ва ҳаётга муҳаббатини сақлаб қолди. У яна йигирма йил яшади. Латюд қувонч, зукко эди, соғлиги учун қайгуриб, бетиним бадантарбия билан шугулланди. Ҳукумат — дастлаб қироллик, кейин республика ҳукумати нафақа тўлади ва у ўзининг машҳур эсдаликларини ёзиш билан машғул бўлди.

О. ФАРМОНОВ таржимаси.

А. ЛЕВАНДОВСКИЙ

Замонлар, қонунлар, одамлар



бағишлар эди. Бисетр камералари ёки атаганларидай, "каюта"лари тор йўлақларнинг икки томонига жойлаштирилган ва фақат панжара билан тўсилган — маҳбуслар бир-бирларини кўриб, эшитишлари мумкин эди. Камера эшикларидан туйнуклар орқали назоратчилар овқат узатишарди. Туйнуклар баравар очилар, маҳбуслар ундан бошларини чиқариб, то назоратчи келиб таёқ билан тартиб ўрнатмагунча, сўкинишар, қўйга тушган шиша, бошмоқни ёки бўлак нарсани, — отаверардилар. Бу ерда ашаддий жиноятчилар — босқинчи ва қотиллар ўтирардилар. Табиийки, "янги"ни дарҳол сўроққа тутдилар: қанча ўтирлик қилган ва ҳисобида "хўл" ишлари борми.

— Ибодатга борганинг учун ўтказишмагандир, — деди Латюдга кулиб, сургундан қайтган Шевалье лақабли маҳбус. — Мен йигирма ишдан қутулиб чиққанман; ҳамма судьялар қанақанги туллақлигимни билишади, аммо уларга тупурдим... Мен йигирмадан ортик болани дордан олиб қолдим, сенга ҳам ёрдам беришим мумкин...

Латюд тумшугини чиқармай камера ичкарасида жим ўтиришни афзал билди. Турмада асраш шароитини яхшилаш учун пул тўлаш, ул-бул сотиб олиш мумкин эди, пулдор маҳбуслар ҳеч нарсага зорикмасдилар. Бироқ "қирол ҳисобига" яшайдиганлар кундалик бир бурда нондан ташқари фақат беш-олти қошиқ "бульон" деб аталувчи ёвгон ва қурт вижиллаб ётган бир сиким нўхот олардилар. Латюднинг Демаре томонидан мусодара қилинган пулидан бир қисмини қайтариб берганлари учун дастлабки пайтлар нон ва қозғо, қалам сотиб олди. Аммо ёзгина пули тез тугади ва назоратчилар моллари учун йигадиған кир нон қолдиқларини тиланишга мажбур бўлди.

Ҳамон ҳақиқат топиш ёки ҳеч бўлмаса қайси жинояти учун қамашганини билиш учун озодликдаги қатор одамлар, жумладан Сен-Викторга ҳам хат

етказди. У Бастилия ертўласидагидай оғир аҳволга тушди. Шўрлик ўрнида қимирламай ётгани учун ҳатто тегишли "бульон"ини ҳам олмади: туйнукдан косасини тутмагани сабабли назоратчилар унга фақат куруқ нонни отиб кетардилар. Чивиллар чақиб ташлагани, очлик ва ифлосликдан эзилгани устига цинга касалига чалинди: оёғи ҳамда сони даҳшатли шишиб кетди, милқлари қонаб тишлари тўкила бошлади. Деярли ҳушини йўқотиб, қўшнларининг саволлари ва назоратчиларнинг бақиригига жавоб бермай қўйгач, врач юборишди. Врач кўрсатмасига биноан замбилга солиб лазаретга олиб кетдилар.

Лазаретда

Бисетр турмаси касалхонаси тасвири Латюд қиссасининг энг даҳшатли саҳифаларидир.

... Катта палата ифлос ва диққинафаслиги билан лол қолдирарди. Бу ерда доволаш учун эмас, ўлдиришга келтиришадиганга ўхшар эди. Палатанинг ярмини таносил, ярмини цинга касалига чалинганлар эгаллаганди. Касаллар ниҳоятда кўплигидан улар ўтиндай устма-уст тахлаб ташланганди. Ўлик ва тириклар аралаш, мурдаларни олиб кетишга шошилишмасди. Ҳеч қачон ювилмаган, тер, дори, шиптирга тўйинган чойшаблар даҳшатли хид таратар эди. Маҳбуслардан иборат кўпол санитарлар касалларнинг пул, ич кийим, нонларини ўтирлашар ва ифлос идишда қайт қилдиргучи ёвгон билан боқишарди. Дастлабки тун Латюд шундай азобландики, ўлимни афзал билди. Аммо энди ҳам ўлиш пешонасига ёзилмаган экан.

Врач Латюднинг милқини операция қилди ва баданига ҳафтада икки марта пластр эпиштиришни буюрди. Шу тарйқа беш ой доволашгач, бемор биринчи бор ўрнидан туришга уринди. Кийимларини санитарлар ўтирлагани учун мурдадан ечиб олинган ярим чирик оқ иштон билан қаноатланишига тўғри

аммо охири-оқибат аёл ўлимдан асраб қолди. Мана, бу қандай юз берди.

Турмага Гург деган судья келди. Унинг юмшоқ кўнгли ва адолатли одам эканини бошқалардан эшитган Латюд судьяга ўз тарихини ҳикоя қилди. Ажабланиб, ачиниб тинглаган судья ҳикояни ёзиб беришни сўради. Латюд илгари кўп ёзгани учун хатни тезда битирди-да, турма хизматчиси орқали судьянинг уйига юборди.

Бироқ хизматчи йўл-йўлақай бир неча қовоқхонага кириб, хатни Париж кўчаларида йўқотибди. Бу қайгули ҳол абадий маҳбус учун қутилмаган омад бўлди.

Пакетни кичик амалдор Легронинг ёшгина хотини топиб олди. Аёл намикҳан хатни очиб Латюднинг ҳикоясини қизиқиб ўқий бошлади. Аёл тобора даҳшатга тушарди. У ўқиганларига тўла ишонмасди — шундай нарсага дарров ишониш мумкинми ахир? Лекин аёлни ҳақиқатни аниқлаш ва адолат тантанасига эришиш истаги қамраганди. Ўз ташаббусини эрига ҳам юқтирди. Жаноб Легро езувдан нусха кўчиргач, аслини кўрсатилган жойга элтиб берди. Бироқ де Сартин билан гаплашишга улгурган судья Гург бу ишга киришиш бефойда деган фикрга келганди. У ўз қарорини эр-хотин Легроларга айтди.

Лекин сергайтат Легро хоним бошқа қарорга келиб бўлганди. Турли маълумотлар йигиб, Латюд сўзларининг тўғрилигини текширишга хоним олти ой сарфлади. Кейин эса галати маҳбус билан учрашиб, ҳикояни унинг ўз тилидан эшитиш йўлини топди. Латюдни озод этиш, ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун уч йиллик курашни бошлаб юборди. Энг ажабланирлиси, у жангга яқка киришди — ҳатто баъзан эри ҳам қўлламай қўярди, маблағи, ҳеч қандай раҳнамоси йўқ, тақиллатиб борган эшикларни эгалари мутлақо бефарқ эдилар. Унга ажабланиб қарашар, умидвор қилишар, алдашар, кўпинча эса қувиб юборишарди. Аммо бу мард аёл ҳеч қандай

ЗАШТОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

9 май
ЎзТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.30 "Ой бориб, омон қайт". Бадий фильм.
9.50 "Хужжатли экран".
10.30 "Ватан — бахт ошени". Мусикий кўрсатуви.
11.10 "Галаба баҳори".
18.00 "Бугун".
18.10 "Мақомлар, пайролар".
19.00 "Фахрийлар — фахримиз".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.55 "Хотира". Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Диёримни куйлайман".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.30 Улмас Умарбеков. "Қиёмат қарз". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Билиб қўйган яхши".
20.10 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.50 "Раҳмат сизга, аскарлар".
21.30 "Сатурн" пайдан". Бадий фильм.
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультифейрверк".
9.30 "Рок ҳақида".
10.00 "Ҳар соҳадан бир шингил".
10.10 "Совга".
10.45 Видео—"О".
12.15 "Курьер".
12.30 "Танишайлик".
12.55 "4/8". Мусикий кўрсатуви.
13.10 "Даракчи".
13.25 Видео—"О".
17.00—18.40 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.40 "Оловларда қозонилган Галаба".
19.50 "Санъаткорнинг туҳфаси".
20.05 "Оловларда қозонилган Галаба".
20.45 "Турналар учмоқда". Бадий фильм.
22.30 "Ура". Қисқа метражли бадий фильм.
23.00 "Асил ҳолича".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.50 "Фашизмга қарши курашларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси".
18.00 Уруш фахрийлари учун концерт.
18.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.00 Янгиликлар.
19.25 "Шерият альбоми".
19.50 "Спорт уик-энди".
20.00 Галаба кунига бағишланган концерт.
21.40 "XX аср сехргари". Галатомоша.
22.55 — 23.30 Янгиликлар.
СЕШАНБА
10 МАЙ
ЎзТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.30 "Баҳор мўъжизалари". Бадий фильм.
10.00 Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 "Кичкинтой" студияси. "Томоша".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 "Ешлик" студияси. "Имконият излаб".
18.00 "Бугун".
18.10 "Гул сайли".
18.55 "Ишбилармон".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.55 "Мавсум тараддуди".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эстрада тароналари.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.30 "Хотира". адуф Гулом.
22.30 "Ватанин севмоқ аймондандир...".
ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Қалб хотираси".

Кинорежиссёр Файзулла Хўжасв.
20.50 "Халқ саломатлиги йўлида".
"ОМАД" таништиради:
21.50 Ёшлар. "Кинонигоҳ".
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 "Санта-Барбара". 315-серия.
20.45 "Рек-тайм".
21.20 От спорти.
22.20 Спорт кўрсатуви.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 "Акция". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг".
17.50 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.
18.45 "Илк манбадан".
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Бомонд".
20.45 Аркадий Райкин хотирасига бағишланган сатира ва юмор халқаро фестивали.
21.55 Футбол.
23.25 — 24.00 Янгиликлар.
ЧОРШАНБА
11 МАЙ
ЎзТВ I
6.30—8.45 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.45 "Рақиблар". Бадий фильм.
10.10 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Устозлар еди".
11.20 "Кафолат".
18.00 "Бугун".
18.10 "Ешлик" студияси. "Ҳазалхон ешлигим".
18.45 "Таълим ва ислоҳот".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.55 Мусикий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Инсон ва қонун".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёшлар.
21.30 "Ижодий учрашувлар". Ўзбекистон халқ эсувчиси Саид Аҳмад.
22.40 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "Анор" телевизион танлови.
ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Жонли тил".
20.50 "Ватан сарҳадларида".
21.20 "02" тўққинида.
21.40 "Сатурн"нинг тугатилиши". Бадий фильм.
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 "Санта-Барбара". 316-серия.
20.45 "Ҳеч ким унутилмайди".
20.50 "Кутинг зали".
21.50 "Ностальжи" — барча авлодлар мусикаси".
22.20 Криминал хабарлар экрани.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 "Мингдан бир имконият". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг".
17.55 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.
18.55 "Бечора одамлар". Қисқа метражли бадий фильм.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Вагон 03".
20.40 П. Чайковский. "Ромео ва Жульетта". Увертюра-фантазия.
21.05 Режиссёр Т.Бунозоль фильмлари. "Орзуниг изтироби оғушида..." (Франция — Испания).
23.00 Янгиликлар.
23.35 — 23.45 "Матбуот-экспресс".

ПАЙШАНБА
12 МАЙ
ЎзТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.30 "Унинг қайлигиман". Бадий фильм.
9.50 Инглиз тили.
10.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 "Бола бошидан...".
11.00 "Ешлик" студияси. "Гул ва қурол".
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Санъат олами".
18.45 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.55 "Хуқуқий жамият сари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Ешлар ижоди". Равшан Комилов.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.30 "Жаҳон узра парвоз". "Ўзбектелефильм". Премьера.
21.40 Мақом кечаси.
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Нефтичи" — "Пахтакор".
ЎЗТВ = ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Мусикий меҳмонхона".
20.50 "Спринт".
21.10 "Енгилдан сақлангил!".
"ОМАД" таништиради:
21.55 Ёшлар. "Кинонигоҳ".
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 "Санта-Барбара". 317-серия.
20.45 "Ҳеч ким унутилмайди".
20.50 "Гранд-репортаж".
21.25 "Оддий иш".
21.45 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.
22.15 Спорт кўрсатуви.
22.20 Криминал хабарлар экрани.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 "Қайсар қизнинг куйлиши". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг".
17.55 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.
18.55 "Эслашлари учун...".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 Игорь Моисеев ижодий фаолиятининг 70 йиллигига бағишланган мусиқа ва рақс фестивалининг якуловчи концерти.
22.00 "Максима".
22.35 "Академия".
23.00 Янгиликлар.
23.35 — 23.45 "Матбуот-экспресс".
ЖУМА
13 МАЙ
ЎзТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.30 "Автомобилдан сақлангил". Бадий фильм.
10.00 "Талаба ва спорт".
10.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.40 "Оламини асрангил".
11.20 "Қизил Яримой шўъласи".
18.00 "Бугун".
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Ўйнаймиз-у ўйлаймиз".
18.50 "Муҳофаза".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.55 Кинолаваҳа.
20.00 "Келинг, танишайлик: "Филмс" фирмаси Тошкентда".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Халқаро шарҳловчилар даврасида.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.30 "Ҳилол" студияси таништиради. "Тилсим".
ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Хуқуқ ҳимоячилари".
20.20 "Санъат маскани". Телефильм.
20.30 "Дехқон ҳиммати".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Галабадан сўнгги жанг". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.50 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 "Таниш-билишлар". Бадий фильм.
22.05 Концерт.
22.20 Спорт кўрсатуви.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 "Қўмсаш". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг".
17.40 "Инсон ва қонун".
18.15 "Америка М.Таратута билан".
18.45 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 Ҳафтанинг машҳур кишиси.
20.50 "Детективлар клуби"да. "Ден Огаст". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-фильм.
21.50 "Матадор".
22.35 "Авто-шоу".
22.50 "Матбуот-экспресс".
23.00 Янгиликлар.
23.35 — 00.15 "Музобоз".
ШАНБА
14 МАЙ
ЎзТВ I
6.30—8.45 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.45 "Эҳтиёт бўлинг, буви". Бадий фильм.
10.10 "Ешлик" студияси. "Истикбол эгалари".
11.30 "Қирқ хунар ҳам оз".
12.10 "Шеър дақиқалар". Тўлқин.
12.20 М. Қориекубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси уйғур ансамблининг концерти.
13.00 Франция кино усталари. Пьер Ришар, Жерар Депардьё.
18.00 "Ўйла! Изла! Топ!"
19.15 "Авлодлар соғлиги — бойлиги".
"Ўзбектелефильм".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.55 Мусикий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Тановар" миллий рақс ансамблининг концерти.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.30 Телевизион миниатюралар театри.
22.15 "Тунги ерду". Дам олиш кинодастурини.
ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Фильм-концерт.
20.15 "Дарвоқе...".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Қурбонлик қилиш". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.25 — 16.00 **"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ**
12.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.35 "Салом, Франция!".
13.10 "Умид" (уйғур тилида).
13.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
13.55 "Прелюдия". К.Сутягина.
14.20 "Қалбим қўри".
14.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
15.10 Шарқ тароналари.
15.45 "Бу ажиб дунё".
18.00 — 19.25 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 "Режиссёр санъати".
20.50 "Қиёна хузурида".
21.10 "Джентльмен-шоу".
21.45 "Туллиной".
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 "Клиника". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 "Орзулар вокзали".
19.00 "Бонни ва италиянча клайд". Бадий фильм (Италия).
21.00 "Якшанба".
21.45 — 23.25 "Май юлдузлари". ("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатимиз" дастуридан).
19.50 "Хуқуқ ҳимоячилари".
20.20 "Санъат маскани". Телефильм.
20.30 "Дехқон ҳиммати".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Галабадан сўнгги жанг". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.50 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 "Таниш-билишлар". Бадий фильм.
22.05 Концерт.
22.20 Спорт кўрсатуви.
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 "Қўмсаш". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг".
17.40 "Инсон ва қонун".
18.15 "Америка М.Таратута билан".
18.45 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 Ҳафтанинг машҳур кишиси.
20.50 "Детективлар клуби"да. "Ден Огаст". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-фильм.
21.50 "Матадор".
22.35 "Авто-шоу".
22.50 "Матбуот-экспресс".
23.00 Янгиликлар.
23.35 — 00.15 "Музобоз".
ШАНБА
14 МАЙ
ЎзТВ I
6.30—8.45 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.45 "Эҳтиёт бўлинг, буви". Бадий фильм.
10.10 "Ешлик" студияси. "Истикбол эгалари".
11.30 "Қирқ хунар ҳам оз".
12.10 "Шеър дақиқалар". Тўлқин.
12.20 М. Қориекубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси уйғур ансамблининг концерти.
13.00 Франция кино усталари. Пьер Ришар, Жерар Депардьё.
18.00 "Ўйла! Изла! Топ!"
19.15 "Авлодлар соғлиги — бойлиги".
"Ўзбектелефильм".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.55 Мусикий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Тановар" миллий рақс ансамблининг концерти.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.30 Телевизион миниатюралар театри.
22.15 "Тунги ерду". Дам олиш кинодастурини.
ЎзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Фильм-концерт.
20.15 "Дарвоқе...".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Қурбонлик қилиш". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар.
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.25 — 16.00 **"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ**
12.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.35 "Салом, Франция!".
13.10 "Умид" (уйғур тилида).
13.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
13.55 "Прелюдия". К.Сутягина.
14.20 "Қалбим қўри".
14.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
15.10 Шарқ тароналари.
15.45 "Бу ажиб дунё".
18.00 — 19.25 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 "Режиссёр санъати".
20.50 "Қиёна хузурида".
21.10 "Джентльмен-шоу".
21.45 "Туллиной".
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 "Клиника". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 "Орзулар вокзали".
19.00 "Бонни ва италиянча клайд". Бадий фильм (Италия).
21.00 "Якшанба".
21.45 — 23.25 "Май юлдузлари". ("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатимиз" дастуридан).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 "Капитанга турмушга чиқмоқчиман". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 "Руқн премьераси".
18.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Сенга маъқул бўлган жой". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси (АҚШ). 1-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Сенга маъқул бўлган жой". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
21.25 "Матбуот-экспресс".
21.35 "Кулги панорамаси".
22.20 — 00.30 Футбол. Англия кубоги. Финал. "Манчестер юнайтед" — "Челси".
ЯКШАНБА
15 МАЙ
ЎзТВ I
6.30—8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.30 "Маҳобҳорат". (Ҳиндистон). 66-67-сериялар.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 Телевизион миниатюралар театри.
11.15 "Маънавият бустони".
12.20 "Кувноқ стартлар".
13.05 "Аънава ва замон".
13.35 Самарқанд вилояти Оқдарё тумани "Тарона" ансамблининг концерти.
18.00 "Мультипанорама".
18.35 "Қўшигим, жон қўшигим".
19.30 "Ҳафтанома".
20.05 Кинолаваҳа.
20.10 "Якшанба оққомиди".
21.00 "Ҳафтанома".
21.35 "Ойнаи жаҳонда...".
21.55 Уқтам Усмонов. "Гирдоб".
22.40 "Оқ кема". Бадий фильм.
ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совга".
17.30 "Ҳар соҳадан бир шингил".
17.40 Видео — "О".
19.25 "Курьер".
19.40 "Эм-Ти-Ви" дан мусикалар.
20.00 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.20 "Даракчи".
20.30 "4/8". Мусикий кўрсатуви.
21.00 Видео — "О".
ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.00 — 16.00 **"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ**
12.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.10 "Сиесий портретига чиқилар". Бутрос Галии.
12.30 "Дунё эшиги".
13.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.
13.25 "Жаҳон ва биз".
13.55 "Олқиш олган кўшиқлар".
14.25 "Ғиёҳвандлик гирдоблари". 2-кўрсатуви.
14.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
15.10 "Таниш ва еқимли оҳанглар".
15.45 "Бу ажиб дунё".
18.00 — 19.25 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 "Режиссёр санъати".
20.50 "Қиёна хузурида".
21.10 "Джентльмен-шоу".
21.45 "Туллиной".
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 "Клиника". Бадий фильм.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 "Орзулар вокзали".
19.00 "Бонни ва италиянча клайд". Бадий фильм (Италия).
21.00 "Якшанба".
21.45 — 23.25 "Май юлдузлари". ("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатимиз" дастуридан).

СПОРТ
Катта теннис Ўзбекистонда
Тошкентдаги "Динамо" теннис ўйингоҳида "Буюк ипак йўли" — Сателлит турнири тантанали равишда очилди.
Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, республика Президенти девонининг иш бошқарувчиси Ж. Ҳайдаров, соғлиқни сақлаш вазирининг республика теннис федерациясининг раиси Ш. Каримов, республика Олимпия қўмитаси раиси С. Рўзиев, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Ш. Мирзиёевлар иштирок этдилар.
Ушбу турнирда Ўзбекистон Республикасининг шаънини таниқли ракеткачилар Д. Томашевич, О. Огородов ва бир қатор ёш спортчилар ҳимоя қиладилар.
Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий ўт ўчириш-техника мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби мактаб бошлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, ички хизмат полковниги
Мэлс Абликимович МАДАЛИЕВнинг тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ИИВ Олий ўт ўчириш-техника мактаби бошлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, ички хизмат полковниги
Мэлс Абликимович МАДАЛИЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадлар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Уметкул Жўраевич Дўстбековга отаси
Дўстбек Жўраевичнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ҚАЛҚОН ВА ПОСБОН

Аёл дийнати ёки молу дунеси ёхуд жамоли учун
ниҳоқ қилинади. Сен дийнатласини танлагин,
барака топкур!

(Ҳадисдан)

Аёл — ҳаётнинг кўрки, умрининг қувончи, садоқатли умр йўлдош, меҳрибон она. Оилавий бахтнинг калити ҳам аёлда! Қиз бола оилага тайёрланар экан, оналаримиз кўпроқ уларни, биринчи навбатда, оилада ўз ўринларини билишлари лозимлигини таъкидлашлари зарур. Халқимизда "Аёл эркакдан андак пастроқ туриши керак" — деган гап бор. Биз буни ижобий тушунишимиз лозим. Яъни аёл эркакдан заифроқ, нозикроқ, мулоимроқдир. Эркак кишининг қадди-баста, салобати, овози, кескин феъли ўзига хос. Эрдан паст туриш дегани, бу хокисорлик эмас, балки одобдир.

...Мен хазон бўлган бир оилани биламан. Таманно жуда эрка қиз бўлиб ўсди, тўрт академик кейинги қиз. Олий маълумотли ўқитувчи. Вақти-соати келиб, қиз ўз удумларимиздан кўра, кўпроқ хисоб-китоб билан турмушга чиқди. Келинчакни яхши яшади дея олмайман. Чунки у чимилдикдаёқ ўзини эрдан устун тута бошлади. Бир ҳафталик келин кайнота-қайнонага ақл ўргатиб, уй тутишда, рўзгор қилишда учрайдиган камчиликларни безбетларча гапириб, уларга ўз оилаларида бошқача ҳаёт эканлигини, бу оилада ҳам шундай бўлиши лозимлигини таъкидлар эди. Куёвни эса қандай қилиб бўлса-да, минг орзу-ҳавас билан келин туширган она бағридан тортиб олиб, акалари олиб берган ховлига жойлаштириш мақсадида хархашалар бошлади. Қайнотани майда гапликда, қайнона ва қайинсингилларини кўрол-масликда айбларди. Йигит бечора икки ўртада гаранг.

Ҳадисларда ёзилишича, "Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақироғи унинг

эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақироғи унинг онасидир". Ҳеч бир она болам бахтсиз бўлсин, оиласи бузилсин, тирик етимлар қожсин, демайди.

Ривоят қилишларича, парвардигорнинг марҳамати билан бир қосиб йигит маънили ва фазилатли бир қизга уйланибди. Турмуши анчайин тикланиб, эл орасида обрў-эътибори ортибди. Аёлнинг истаги билан ўқиб, илм олибди ва амал мартабасига кўтарилибди. У иш билан шу даражада банд бўлибдики, кекса, бетоб онасидан хабар олмай қўйибди. Унинг "Онам хотинимнинг эъзозидан" деган хаёли пуч эди. Тадбиркор аёл кекса қайнонасини ярим вайрона кулбада ўз ҳолига ташлаб қўйганди. Йигит онасининг ҳолига ниҳоятда ачинибди.

Аёлга дебди:
— Сен онамни нега шу ҳолатга ташлаб қўйдинг?

— Ёш болаларимизга қарайми ёки онангизнинг аҳволидан хабар олиб, ифлосини тозалаймиз? Эрта кетасиз, кеч қайтасиз, ҳолинг қандай деб сўрамайсиз.

— Агар онамнинг оғирлиги азоб бераётган бўлса, айт, энага еллай.

— Энди бир камим бир оёғи гўрда онангизнинг ташвиши қолиб, энаганинг қош-қовоғига қарайми? Кераги йўқ. Майли, онангизга меҳмонхонадан жой қилиб бераман.

Аёл айтганидек, меҳмонхонага жой қилиб берибди. Бироқ йигитнинг дўстлари меҳмон бўлиб келганда кичик хоналардан бирига жой тайёрлайдиган бўлибди. Дўстлар бунга кўниқолмай, аста-секин хонадондан қадамларини уза бошлабдилар. Йигит аёлини яна қойибди.

— Сен мени дўстларимдан

бездираялсан.

— Тавба, ё мени, ё ёру дўстларингизни ёки онангизни денг!

Шунда кунларнинг бирида ит-тифоқо, дарвеш қиёфасидаги бир чол ташриф буюриб, кампир ётган кулбага кирибди. Бу ҳол икки-уч мартаба такрорланибди. Сўнгра ақл бовар қилмас ҳол рўй берибди. Кечаси кампир изсиз йўқолибди. Йигит онасини кўп излабди. Дарвешнинг на суратини, на сийратини топа олмабди.

Бир куни туш кўрибди. Тушида отаси: "Онагни сенга ишониб қолдирган эдим. Ишончимни оқлай олмадинг", — дебди.

Йигит хотинидан воз кечибди. Лекин онасининг меҳрини бошқа кўрмабди.

Таманно ҳам жуда қисқа уйлаган эди, турмуш ўртоғи ундан кечди — ўн беш кунлик келин кўч-кўрони билан яна онасининг кенг бағрига қайтиб келди. Таманнолар оиласида ҳукмрон онаси эди. Отаси унинг айтган гапидан, чизган чизигидан чиқмасди. Буни кўрган Таманно ҳам худди шу йўсинни танлаганди. Аммо азал-азалдан Шарқда эркак оиланинг бошлиғи, устун бўлиб келган. Унинг айтгани айтган, дегани деган бўлган. Жуда кўп оилавий баҳсларга сўнги нуқтани эркак қўйган. Бу билан аёлнинг бирор ери камайиб қолмаган. Фақат эркак аёлга нисбатан ҳам кучли, ҳам еши катта, бағри кенглиги учун таомил шундай бўлган.

Таманнонинг турмуш ўртоғи ҳам Шарқ йигитларига хос йўл тутиб, хотинининг макрига, қилиқлари ва бойлигига учмади, баҳридан ўтди. Халқимизда аввал аёлинг, сўнгра онанг чақирса, биринчи она чақирғига лаббай деб жавоб бергин, дейилгани бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтганда, оиладаги энг асосий нарса бир-бирини тушуниш, қадрлаш ва эъзозлашдир. Оилани асраш, эркакларни оиладан бездирмаслик аёлларга боғлиқ. Шундай экан, биз аёллар оиламиз қалқони, соҳибларимиз унинг посбони бўлсин.

Лаъликхон МУҲАММАДЖОНОВА,
Тошкент Давлат университети
этика-эстетика кафедраси катта ўқитувчиси.

Пилла — бойлигимиз! МАВСУМ ТАЛАФОТСИЗ ЎТСИН

Узингизга маълум, пилла мавсуми бошланганига ҳам бир неча кун бўлди. Унга қанчалик тайёргарлик кўрилгани жойлардаги мутасадди раҳбар ва ходимларга аён. Аммо шу ўринда биз ҳам пилла етиштириш йўлида жон койитаётган ҳамюртларимизга соҳамизга тегишли бўлган баъзи бир муҳим маслаҳатлар беришни лозим топдик. У ҳам бўлса, ипак қурти парвариши даврида ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилиш ҳақидадир.

Пиллакорлар қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилишлари шарт:

— қурт боқилаётган ҳамма хонадонларда электр узаткичларидан, электр токидан фойдаланишда эҳтиёт чоралари кўрилиши шарт;

— пилла қурти парваришланаётган хонадонларда иситиш печлари

ҳамиша соз ҳолатда бўлиши керак;

— қуртхоналардаги тут шохларини ўз вақтида тозалаб туриш лозим;

— хоналарда тез ёнувчи ёнилғиларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қатъиян ман этилади;

— вилоят ва туман пилла қабул қилиш пунктларидаги биноларнинг ёғоч қисмлари, брезентлари ёнгинга қарши суяқлик билан ишлов берилган бўлиши шарт ҳамда бирламчи ўт ўчирги воситалари шай ҳолатда бўлиши лозим.

Ушбу қийин бўлмаган кўрсатмаларга астойдил амал қилинса, ютқазувчилар бўлмайди.

Р. Жўраев,
Ўзбекистон ИИБ ЁСБ катта муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти ИИБ ва қариндошлари томонидан бедарак йўқолган **Шоҳмурод Муродович АББОСОВ** қидирилмоқда. У 1992 йил 12 ноябрь куни давлат-белгиси 57-16 ТШП бўлган "КамАЗ"-53121" белгили автомашинасида Олмалиқ шаҳридаги 3-автобазадан чиқиб кетганича қайтмаган.

Ш. Аббосов 1930 йилда туғилган. Уша куни ҳаворанг пиджак, қизил рангли катан кўйлак ва қора шапкада бўлган.

Автомашина белгилари: ранги сарғиш, двигатель рақами — 678923, шасси рақами — 066857.

Ш. Аббосов ва автомашина ҳақида маълумотга эга



фуқаролардан 65-07-79 ёки "02" рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.



Сариосиё тумани ички ишлар бўлими томонидан 1944 йилда туғилган **Холмат ОДИНАЕВ** қидирилмоқда. У 1993 йил, 20 июнь куни уйдан чиқиб

кетганича қайтмаган.
Белгилари: миллати тожик, бўйи 175 см атрофида, озғиндан келган, бугдойранг, сочи қалта ва қора, қошлари камонсимон, кўзлари қора, қисқроқ, қора мўйловли.


Кийими: бошида миллий дўппи, эғнида оқ кўйлак, қора шим, оёғида туфли бўлган.

Алоҳида белгилари: 1978 йилдан бери руҳий хаста, ўнг кўзининг остида тиртиги, ўнг елкасида холи бор.

Х. Одинаевнинг қаердалигидан хабардор фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига маълум қилишларини сўраймиз.

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани ички ишлар бўлими ва қариндошлари томонидан 1953 йилда туғилган, Пайариқ тумани Пайариқ қўрғони Тошкент кўчасидаги 18-уйда яшайдиган **Ботир ТУРСУНОВ** қидирилмоқда. У 1991 йилнинг сентябрь ойи бошларида номалум сабабларга кўра уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Б. Турсуновни кўрган ёки қаердалиги ҳақида аниқ маълумотлар берган савобталаб кишига катта миқдордаги суюнчи пули аталган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ОЛИЙ МАКТАБИ

1994-1995 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мақтабга ўрта маълумотли, ички ишлар идораларининг талабларига жавоб берадиган, соғлиғи ҳарбий хизматга ва ўқишга лойиқ, ёшлари 17 дан 23 гача бўлган йигит ва қизлар ҳамда ёшлари 25 гача бўлган ички ишлар идораларининг оддий ва кичик бошлиқ ходимлари қабул қилинади.

Мақтаб ички ишлар идоралари учун ўрта ва олий маълумотли ҳуқуқшунос раҳбар кадрлар тайёрлайди.

Ўқиш муддати 2 йилу 6 ойдан, 4 йилгача. Ўқув машғулоти 1 августдан бошланади.

Ўқиш давомида тингловчилар овқат, формали кийим-кечак, ётоқхона билан бепул таъминланадилар ва стипендия оладилар.

Кириш имтиҳонлари абитуриентларнинг хоҳишига биноан давлат ёки рус тилида бўлиши мумкин. Имтиҳонлар 1 июлдан 15 июлгача ўзбек тили ва адабиёт (ёзма-иншо) ўрта мактабни рус (бошқа) тилларда тугатган абитуриентлар учун давлат тилида диктант, Ўзбекистон тарихи (оғзаки), Давлат ва ҳуқуқ асослари (оғзаки) ва жисмоний тарбиядан бўлади.

Ўқишга кирувчилар ва батафсил маълумот олмоқчи бўлганлар турар-жойлари бўйича вилоятлардаги ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛТОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлемалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компьютеридан терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 962
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
42.169 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6